O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 9-aprel • № 15 (4050)


## БУЮК ИБРАТ

***Низомиддин Мир Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида шундай ёзади:***

"Темур Кўрагон — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор". Яъни, ул зот ўзи шеър ёзмаган бўлса-да, лекин шеърий ва насрий асарлардан шунча кўп ёд олган ва уларни шундай яхши ўқир эканки, бунга ҳамма қойил қолар экан. Бундай қобилият эса фақат билимдон, нозиктаъб инсонларда бўлади.

Зеҳни ўткир, заковати тенгсиз Соҳибқироннинг бу борадаги фазилатлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг "Амир Темур сиймоси" китобида ҳам муҳим тарихий манбалар асосида алоҳида таъкидланган. Амир Темур саройида котиб бўлиб ишлаган ва унинг ҳаёт йўлини яхши ўрганган тарихчи Ҳофизи Абрў "Зубдат ут-таворих" асарида қуйидагиларни ёзади: "Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балоғат ёшига етгунча илм, адаб, хат ва суханворлик касб этди. Ундаги теран билим шижоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади".

Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари" китобида Соҳибқиронни шундай тасвирлаган: "Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникидай катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган изтиробсиз вазмин одам эди".

Ҳофизи Абрў бежиз "суханворлик касб этди" деб ёзмаган. Ибн Арабшоҳнинг: "...йўғон овозли.., вазмин одам эди", деб таъриф беришида ҳам Соҳибқироннинг Аллоҳ юқтирган истеъдодига ишора бор.

Нотиқ учун вазминлик ва тингловчиларга залвор билан етиб борадиган овоз жуда муҳим. Соҳибқирон Амир Темур бобомизда нотиқ учун керакли бўлган барча сифатлар жамулжам бўлган. Ул зотнинг нотиқлигини исботловчи мисоллар Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида кўплаб учрайди.

Шомий "Зафарнома"сининг икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси Амир Темурга тақдим этилган қўлёзманинг 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истанбулдаги "Нури Усмония" масжиди кутубхонасида 3367-рақам билан сақланмоқда. Иккинчиси муаллиф томонидан Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар Баҳодир ибн Мироншоҳга тақдим этилган қўлёзмадан кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги "Британия музейи" кутубхонасида сақланади.

Мазкур асарнинг Амир Темур ҳақида ёзилган манбалардан фарқли томони шундаки, унда Соҳибқироннинг айтган ва сўзлаган нутқлари жуда кенг ўрин олган. Бу ҳолат эса Амир Темурнинг ўткир нотиқлигини, нутқида ортиқча сўз ва ибораларга ўрин бермаганлиги, ҳар бир сўзни ўз оҳанги билан, ихчам ва лўнда ҳамда кескин ҳолатда айта олиш маҳоратини намоён этади.

**Давоми иккинчи саҳифада**

## 9 апрел — Амир ТЕМУР таваллуд топган кун



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

## УЛУҒ СИЙМОГА ЭҲТИРОМ

***"Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қулоғингизда тутинглар... Агар менинг васиятимга амал қилиб, адлу инсоф билан оламни обод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғусидир".***

***Бу Соҳибқирон бобомизнинг ўз фарзандларига қилган сўнгги васияти эди.***

***Тарих шоҳид: мазкур васиятни дастуриламал деб билган Соҳибқирон авлодлари — темурий ва бобурий ҳукмдорлар даврида мамлакат обод бўлди, эл-улус тўқ-фаровон яшади, илм-фан, маданият равнақ топди, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк зотлар етишиб чиқди. Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон асос солган давлатнинг умри узоқ бўлди, тарих саҳнасида сал кам беш аср фаолият юритди. Чунки бу давлат, аввало, "адлу инсоф билан оламни обод қилиш" сиёсатига асосланган эди...***

* * *

Бугун Соҳибқирон бобомиз таваллуд топган кун. Айтиш лозимки, буюк аждодимиз таваллуд кунига бағишланган бу йилги тантанали тадбирлар ул зотнинг номи билан юритилувчи, кейинги бир йилда бутунлай янгича қиёфа, кўрк ва салобат касб этган машҳур хиёбонда бўлиб ўтади.

Хиёбон марказидаги Амир Темур бобомизнинг улуғвор ҳайкали ёнида туриб, атрофга назар солсангиз, аввало, хиёбоннинг жануби-шарқида ўтган йили бунёд қилинган, ўзбек меъморчилигининг бетакрор жозибасини кўз-кўз қилиб турган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи диққатингизни тортади. Унинг бир ёнбошида Тошкентнинг эгизак курантлари, иккинчи тарафида муҳташам меҳмонхона, хиёбоннинг бошқа томонида Темурийлар тарихи давлат музейи, янгидан таъмирланган олий ўқув юрти биноси — булар барчаси бир-бирига ярашган, уйғунлашган ҳолда қад ростлаб турибдики, кўзингиз қувонади, баҳри дилингиз очилади.

Хиёбондаги умрини ўтаб бўлган кекса дарахтлар ўрнига ўтқазилган ям-яшил арча, қарағай, каштан ниҳоллари, гуллар, буталар атрофга ажиб тароват бағишлаб турибди.

Бугун тонгда бошланган Соҳибқирон бобомиз таваллуди тантаналарида илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари, талаба ёшлар, жамоатчилик вакиллари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар иштирок этмоқда.

Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилгач, меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейига ташрифга буюрадилар. Мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилади. Шундан сўнг "Темурийлар даври ренессанси кўзгазмаси" очилиши, кичик конференциялар залида эса мазкур мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишлари намойиш этилади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 674 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тантанали тадбирлар халқимизнинг ўз буюк аждодига бўлган буюк эҳтироминининг ёрқин намойишидир.

*2010 йил – Баркамол авлод йили*

## СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР САНЪАТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон давлат консерваторияси биносининг тантанали очилиш маросимида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида юртимизда вояга етиб келаётган иқтидорли ёшлар тобора кўпайиб бораётганидан фахрланиб сўзлар экан, келажаги порлоқ, ажойиб ёш мусиқачи Фазлиддин Ҳусанов номини тўлқинланиб тилга олгандилар.

Бугун юртимиз ва халқаро миқёсда иқтидорини кенг намоён этаётган ёш истеъдодлар орасида Фазлиддиннинг ҳам ўз ўрни бор. Ёш пианиночи Фазлиддин Ҳусанов жаҳоннинг нуфузли саҳналарида концерт дастурларини муваффақиятли ижро этмоқда.



Тошкент вилоятининг Зангиота туманида, муаллимлар оиласида туғилган Фазлиддин Ҳусанов тўрт ёшидаёқ фортепиано чалишни ўзлаштирган. Ундаги ноёб қобилиятни вақтида илғаган ота-онаси 1985 йили Фазлиддинни Успенский номидаги махсус мусиқа мактабига олиб келади. Ёш мусиқа ихлосманди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Поповичнинг махсус фортепиано синфига ўқишга кирди. Устозидан сознинг бетакрор ижро сирларини чуқур ўрганди. Кейинчалик ўқишни Германиядаги мусиқа олий ўқув юртида давом эттирди. 1997 йили АҚШдаги Солт Лейт Сити шаҳрида кўрик-танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, "Дунё конкурси лауреати" деган юксак унвонга сазовор бўлди.

— 1999 йили Голлеверда ўтказилган Шопен кўрик-танловида биринчи ўрин совриндори бўлишим, кўпгина хорижий мусиқашунослар қатори англиялик машҳур мусиқашунос, доктор Шредернинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Унинг таклифи билан ҳозир Буюк Британия академиясида ўқишни давом эттиряпман, — дейди Фазлиддин ифтихор билан.

Кўплаб йирик халқаро мусиқа танловларининг ғолиби бўлиб келаётган Ф.Ҳусанов ҳозир Европа, Осиё, Америка давлатларида мунтазам концерт фаолияти билан қатнашади. Мазкур мамлакатларнинг етакчи оркестрлари билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, кўпгина йирик танловларнинг ҳайъат аъзолари қаторидан ҳам жой олган. Айни вақтда Фазлиддин Шопеннинг тўлиқ асарлари тўплами бўйича ижросини ёзиш ишлари билан машғул.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида "Ниҳол" давлат мукофоти совриндори Фазлиддин Ҳусановнинг янги концерти бўлиб ўтди. "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Успенский номидаги академик лицей ҳамкорлигида ўтказилган мусиқа кечасида Фазлиддин Ҳусанов И.С.Бах, Л.В.Бетховен, Ф.Шопен, К.Дебюсси, И.Стравинский сингари жаҳонга машҳур бастакорларнинг асарларини маҳорат билан ижро этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. У ҳар бир мусиқани юрак ҳароратини бармоқларига қўшиб, сел бўлиб чалди. Фазлиддин машҳур мусиқа даҳолари ортидан бориб, келажакда юртимиз мусиқа санъати дунё халқлари қалбидан жой олишига катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

## БАҲОР ТУҲФАЛАРИ

Баҳор фасли Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрига янги примералар, файзли кечалар билан ташриф буюрди. Жамоа гўзал балет спектаклини томошабинларга намойиш этиш арафасида. А.Аданнинг уч қисмдан иборат "Корсар" балетининг янги хореографик талқини Иброҳим Юсупов ижодига мансуб бўлиб, М.Петипа композицияси асосида ишланган. Мусиқа раҳбари ва дирижёр Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Абдураҳмонова, дирижёр Фазлиддин Ёқубжонов. Саҳна ва либос рассомлари Зубайдулла Ботиров, Лобар Полвонова.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи ва ёш солистлари Искандар Меналиев, Андрей Шалберкин, Тамила Муҳамедова, Евгений Шарипов, Алина Бобожонова, Замир Фазлутов ва бошқалар ижро этадилар.

Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов эллик беш йилдан буён ижод билан машғул устоз санъаткор бу йил 75 баҳорини қарши олди. Ўзбек балет санъати равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган И.Юсупов маданият арбобларимиздан бири. Айни кунларда ҳамкасблари Андрей Слоним бошчилигида унинг ижодий кечасига тайёргарлик кўришмоқда.

Театрда ўтадиган энг катта тадбирлардан бири халқаро Италия операси ҳафталигидир. Италия, Белоруссия ва Ўзбекисон санъат усталари иштирокидаги ҳафталик дастурида "Севиля сартароши", "Лючия ди Ламмермур", "Травиата", "Богема" опералари намойиш этилади. Бу асарларда Муяссар Раззоқова, Нормўмин Султонов, Ренат Титеев, Георгий Дмитриев, Шукур Ғофуров каби ўзбекистонлик санъаткорлар билан бирга, жаҳон саҳнаси юлдузлари — Розанна Савойте, Франческо Панни (Италия), Александр Краснодубский, Елена Бунделева, Сергей Франковский (Белоруссия) каби солистлар ҳам куйлайдилар.

Операларга Эдди де Надаи, Жерардо Колелла (Италия) ва Дилбар Абдураҳмонова (Ўзбекистон) дирижёрлик қиладилар. Апрел ойининг сўнгги ҳафтасида ўтиши кутилаётган мазкур опера байрами турли миллат вакиллари дўстлиги ва ҳамкорлиги намойишига айланишига шубҳа йўқ.

**Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА**

## САНЪАТ ЁШЛАР НИГОҲИДА

"Баркамол авлод йили" муносабати билан Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Ўзбекистон санъати ёшлар нигоҳида" мавзуида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-назарий анжумани ўтказилди. Анжуманда Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет, Санъат, Маданият институтларининг иқтидорли талабалари, аспирантлар, ёш илмий ходимларнинг маърузалари тингланди. Динара Илҳомованинг (Миллий рассомлик ва дизайн институти) "Тошкент мадрасалари меъморчилиги" мавзуидаги маърузаси ҳозирги кунда таъмирдан чиқарилган тарихий-меъморий ёдгорликларнинг бадиий қимматига бағишланди. Санъат институти аспиранти Бинафша Нодир Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи қўнғирот қавми тақинчоқларининг рамзий хусусиятлари, уларнинг семантикаси ҳақида маъруза қилди.

Миллий рассомлик ва дизайн институти аспиранти Озодбек Солиев музейларнинг бадиий дидни ўстиришдаги роли ҳақида, Санъатшунослик институти 1 курс аспиранти Ҳафиза Ниёзова "Қор қўйнида лола" ҳикоясининг киносценарийси талқини" маърузасида сценарийдаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида сўзладилар. Шуҳрат Худойбердиевнинг (Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси) "Сурхон миллий либослари" маърузасида Сурхондарё либосларининг диққатга сазовор хусусиятлари таҳлил этилди.

**Азиза ОТАБЕКОВА,**
**Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси**

## СУРАТЛАРДА ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залида "Баркамол авлод йили"га бағишланган ҳаваскор фотосуратчиларнинг анъанавий республика кўриги бўлиб ўтди.***

*Кўргазма залларида*

Ёшларимизнинг маънавий оламини бойитиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, ташқаридан кириб келаётган "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш, турли соҳаларда ишлаётган истеъдодли ёшлар фаолиятини кенг акс эттириш, юртимизда ижод қилаётган ёш фотоҳаваскорларни кашф этиш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўргазма Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.



Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, биринчи ўринга Бухоро вилоятидан Жаҳонгир Иброҳимов асарлари муносиб деб топилди. Иккинчи ўринга Қашқадарё вилоятидан Асрор Аллаёров, учинчи ўринга Наманган вилоятидан Раҳимжон Мамадалиевлар сазовор бўлдилар.

"Энг изланувчан ижодкор", "Энг яхши ғоя", "Энг яхши маҳорат", "Издош ижодкор", "Энг яхши экспозиция", "Энг изланувчан ижодкор аёл", "Миллий анъаналарни акс эттирувчи", "Энг ёш қатнашчи" каби номинациялар ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирландилар.

— Болалигимдан сурат олишга жуда қизиқардим, — дейди кўрик ғолиби Жаҳонгир Иброҳимов. — Суратга олиш ва уни ишлаш менга мўъжизадек туюларди. "Бухоро гўзаллари", "Бахтли болалик" туркум фотосуратларим барчага манзур бўлганидан жуда хурсандман. Фото санъатини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Санъат институтида таҳсил оляпман. Ҳозир Бухоронинг қадимий обидалари, маҳаллий халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва ҳунармандчилигини намоён этувчи "Бухоро нақшлари" туркум суратлари устида ишлаяпман.

Ҳайъат аъзоси, фахрий фотосуратчи Нўъмонжон Муҳаммаджонов кўргазма ҳақида шундай деди:

— Ёш ижодкорларнинг бу кўриги фото санъатимиз ривожланиб бораётганини кўрсатди. Танлов иштирокчиларининг 160 дан ортиқ ишларини кўриб чиқдик. Назаримда, барча ишлар ҳаққоний баҳосини топди. Бундай кўргазмаларнинг ўтказилиши ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан, уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароит яратилиб, кенг йўл очиб берилаётганидан далолатдир.

**С.ҚОСИМОВА**

*Бугун — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун*

# СОҲИБҚИРОН СУҲБАТИГА ЭРИШГАН АЛЛОМА

Бобур халқаро илмий экспедициясининг ўтган йил октябр ойида амалга оширилган режасидан Кунар шаҳрининг ўрин олишига «Бобурнома»даги ушбу сатрлар сабаб бўлганди:

«Яна бир туман Кунардур. Бу туман Ламғонотдан бошқачароқ бунёд топгандир... Мир Саййид Али Ҳамадоний раҳматуллоҳ саёҳат қилиб келиб, Кунардан бир шаръий (3км.) юқорироқда вафот этганлар. Муридлари бу ердан Хатлонга элтибдилар. Оламдан кўз юмган ерлари ҳозир бир мозор бўлиб қолган. 925 (1519) йили келиб Чағонсаройни олганимда, бу жойни тавоф қилиб эдим».



Ушбу маълумотни ўқиганимда улуғлар ҳақидаги қайдларда «сиз»лашни қўлламаган Бобур Мир Саййид Али Ҳамадоний ҳақида нега бунчалик катта эҳтиром изҳор этган экан, деб ўйлаб қолдим. Ва бу андишам бежиз эмаслигини таниқли афғон олимаси Шафиқа хоним Ёрқин нашрга тайёрлаган «Бобур Девони» китобидаги Бобурнинг Мир Саййид Али Ҳамадонийга бағишланган шеърини кўрганимдан сўнг англаб етдим. Рубоий мазмуни:

**Бу мақбара соҳибини ҳар**
**соҳада оқил бил.**
**Ҳар қайғую ҳасратда**
**у барчани қўллайди.**
**Мен сенга айтайину**
**сен буни англаб олгин,**
**Али фарзандию Ҳамадон**
**амиридир.**

Ҳамадоний мақбарасини зиёрат этишга мушарраф бўлдик.

### Буюк аллома мақбараси...

Мир Саййид Али Ҳамадоний (Ҳамадон шаҳри ҳокими Саййид Шаҳобуддин оиласида 1314 йили дунёга келган ва 1386 йилда вафот этган) Бадахшон ва Ҳиндистон, хусусан, Кашмир ўлкаларида ислом дини ва маърифатини ёйган машҳур сиймо бўлган.

У ислом маърифатида ўзи каби кўплаб собит шогирдлар етиштирди: Хожа Исҳоқ Хатлоний, Нуриддин Жаъфари Бадахший, Мир Саййид Байҳақийлар шулар жумласидандир. Улуғ алломанинг икки юзга яқин ислом ва тасаввуф, ахлоқ, фиқҳ ва фалсафага оид асарлари маълум. Шулардан йирик ва муҳимлари «Захират ул-мулук» (Подшоҳлар хазиналари), «Мирьот ут-толибин» (Толиблар кўзгуси), «Сайр ут- тоибин» (Тоиблар сайри), «Рисолаи зикрия», «Одоб ул-машойих» (Шайхлар одоби), «Мактуботи амирия», «Мақомоти сўфия», «Ҳафт води» (Етти водий), «Рисолаи истилоҳоти сўфия» (Сўфийлик истилоҳлари рисоласи), «Минҳож ул-орифин» (Орифларнинг тўғри йўли), «Шарҳи фусус ул-ҳикам» ва бошқалардир.

Ахлоқ-одоб масаласи ҳамма замонларда ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган. Кишининг бахтиёр ёки бахтсиз бўлиши унинг ахлоқи натижасидир. Шунинг учун Мир Саййид Али Ҳамадоний кишиларни юмшоқ табиатли, ҳаёли, одобли, кечиримли бўлишга даъват этади.

«Минҳож ул-орифин» асари эзгу панд-насиҳатларга бой китоблардан биридир. Аллома Имом Жаъфари Содиқдан ривоят келтириб, у киши беш тоифадаги одамлар билан дўстлашмаслик кераклигини уқтирганлар, дейди.

Мир Саййид Али Ҳамадоний диний маърифат, иймон, инсоф, маънавий камолот, дарвешлик одоби ва моҳияти, фиқҳий масалаларда ҳам муҳим фикрларни ўз асарларида ёритган.

### Амир Темур ва Мир Саййид Али Ҳамадоний

Мир Саййид Али Ҳамадоний яшаган замонда унинг она шаҳри Ҳамадон ҳам Амир Темур тасарруфида эди. Соҳибқирон бобомизнинг ҳарбий сафарлари саҳифаларига назар солсак, азиз-авлиё қабр-мақбараларини ихлос билан тавоф қилгани, тирик сўфий, дарвиш ёки пирларни сафарларда камоли эҳтиром билан зиёрат этгани, Самарқандда — пойтахтда эса нуфузли мажлисларининг зийнати Амир Темурнинг пир-муршидлари ва бошқа донишмандлар бўлганликлари маълумдир. "Тарихи Рашидий" таржимасига расм-миниатюралар излаётган пайтимизда «Шарқ миниатюраси» (Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980) китобидан айнан биз кутган воқеа: Амир Темур ва Мир Саййид Али Ҳамадонийнинг суҳбатлашиб ўтирган расмлари чиқиб қолди.

XV аср охирлари ва XVI аср бошларида Ҳиротда форс тилида ёзилган «Мажолис ул-ушшоқ» (Ошиқлар мажлиси) номли китоб Марказий Осиё илмий марказларида кўп нусхада сақланган. Каталогларнинг бирига қарасак, бу китоб муаллифи Султон Ҳусайн Бойқаро деб кўрсатилади; бошқасини варақласак, бу китоб ижодкори Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий деб қайд этилганига гувоҳ бўламиз. Бу борада "Бобурнома"ни варақласак: Заҳириддин Муҳаммад Бобур муаллифлик масаласини Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий фойдасига ҳал қилган.

«Шарқ миниатюраси» китобининг «Мажолис ул-ушшоқ»дан олинган бизга керакли саҳифадаги изоҳларни кўчирамиз: «Амир Темурнинг Амир Саййид Али Ҳамадоний билан бўлган баҳсда енггани». Ўрта Осиё услуби. 1606 йил. «Мажолис ул-ушшоқ» (Ошиқлар мажлиси). Султон Ҳусайн Бойқарога нисбат бериладИ... Хаттот Мир Солиҳ.

Энди «Мажолис ул-ушшоқ» китобидан олинган парча таржимаси билан танишамиз: бир кун у ҳазрат (Мир Саййид Али Ҳамадоний)дан буюк Амир Темур сўрадилар: «Нега бошингизга қора мато чирмагансиз? Бунда қандай ҳикмат бор? Ва бунинг маъноси нимада?" Мир Саййид Али Ҳамадоний ҳазратлари айтдиларки: «Нафсимни ўлдириб, унга мотам тутяпман». Ҳазрат Амир Темур сўрадиларки: «Нафс ўлдириладиганмиди ёки ўлдирилмайдиганмиди? Агар ўлдирилмайдиган бўлса, нега уни ўлдирадилар? Агар ўлдириладиган бўлса, нега унга мотам тутадилар?»

Шунчалик йирик камолот эгаси бўлган аллома ушбу савол-жавобда ожиз қолдилар.

Бу ерда кечаётган фикр шоҳмоти таҳлилига киришайлик: «Аллома: «Ўлдирилган нафсимга мотам тутяпман», деди. Одатда, комил инсонлар нафсни ўлдиришни юксак ғалаба деб биладилар ва бундан қувонадилар. Шайх эса, аксинча, мотам тутмоқда. Ана шу мантиққа зид ҳолатдан Амир Темур зукколик билан фойдаланиб, «Ўлдирилган нафсга нега мотам тутасиз?», деган эътирозли савол берган ва аллома ўз фикрий зиддияти тузоғига илиниб қолади.

Биз ушбу расм ва китоб матнини ўқувчиларга ҳавола этар эканмиз, мақсадимиз буюк алломанинг Соҳибқирон Амир Темурдан енгилганини қайд этиш эмас, албатта.

Амир Темур ўз атрофига, мажлисларига таниқли уламолар, мутафаккирларни жалб этгани ушбу расмдаги манзарадан кўриниб турибди. Амир Темур Мир Саййид Али Ҳамадонийнинг иззат ва ҳурматини жуда ўрнига қўйиб, ўзаро илмий суҳбат уюштирган. Эътиборлиси шундаки, Амир Темур саволи чуқур илоҳий ёки ирфоний мавҳум масала юзасидан эмас, балки шундоққина очиқ-ойдин, олим бошидаги салланинг ранги-туси ҳақида, холос. Ҳамадоний жавоби эса, олимона, жуда орифона: «Ўлдирилган нафсимга мотам тутяпман». Энди Амир Темур саволни мантиқан теранлаштириб беради ва аллома бу теранликнинг тубига етолмай, лол қолади.

Расмда Ҳамадонийнинг шуҳрати унинг ёнидаги дарвешларнинг зикру самоға тушиб турганликларида ҳам яққол сезилмоқда.

Миниатюрадан биз икки ўртадаги суҳбат одобини кузатамиз: Амир Темур юксак тахтда эмас. Шунчаки остида тўшак бор. Унда ҳукмдорга хос ҳашаматли кийим ҳам, дабдабаю асъаса ҳам йўқ. Амир одмигина кийимда бутун диққат-эътиборини олимга қаратган. Унинг ёнида давлат арконлари ҳам кўринмайди. Рассом сурват марказига олим ва илмпарвар шоҳни ёнма-ён қўйган. Тасвирда ҳатто давлатнинг диндан устунлигига ишора қилувчи бирор детал ҳам йўқ (агар Амир Темур остидаги тўшакни айтмасак). Фақат Амир Темурнинг мантиқий закоси Ҳамадонийдек алломани ҳайратга солган ва жавобга ожиз қолдирган.

Камолиддин Беҳзод мактабига мансуб бўлган рассомнинг ушбу миниатюрасидан санъатшунослик нуқтаи назаридан бир неча нуқсонни кузатиш мумкин. Энг қўполроғи иккита:

биринчиси: саволда салла қора рангда эди, расмда эса... Мир Саййид Али Ҳамадоний оқ саллада.

иккинчиси: миниатюрадаги шарқона нозикликка сўрининг қизилёғоч панжаралари сингишмай турибди.

Булардан қатъи назар, мусаввир маҳоратига тан берамиз: мавзу, ғоя пухта ишланган.

Рассом санъатга — тасвирга тазод, зидлаш усулини олиб кирган. Муҳитда ҳукмфармолик — Ҳамадоний бошлиқ гуруҳда. Амалда эса Амир Темур осудалиги ва закоси туфайли тўла-тўкис ғалаба қилган.

Бизга Амир Темурнинг ҳаёти саҳифалари, жанги жадаллари, тузуклари, тажрибалари ва ўгитлари маълум эди. Миниатюрачи мусаввир Соҳибқирон Амир Темур сиймосининг баҳсда ўта маданиятли бўлган янги қиррасини ҳам бизга намойиш эта олган.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**
**Халқаро Бобур мукофоти совриндори**

## Академик Мамажон РАҲМОНОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли театршунос олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Мамажон Раҳмонов шу йил 6 апрель куни 96 ёшида вафот этди.

Мамажон Раҳмонов 1914 йил 21 декабрда Қўқон шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатиб, Москва давлат театр институти қошидаги аспирантурада таҳсил олди. У 1958 йилда санъатшунослик соҳасида номзодлик, 1969 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси этиб сайланди.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори лавозимларидаги самарали фаолияти давомида М.Раҳмоновнинг раҳбарлик қобилияти, театр соҳасининг жонкуяр билимдони сифатидаги фазилатлари ёрқин намоён бўлди. У кейинчалик Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтининг ректори каби масъул вазифаларда фаолият юритиб, юртимизда маданият ва санъат соҳасида кадрларни тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ташкилотчиликни илмий фаолият билан биргаликда олиб борган М.Раҳмонов сўнгги йилларда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ишлади.

Заҳматкаш олим ўзбек миллий театр санъатининг қадимий тарихи ва тараққиёти, унинг долзарб муаммоларига доир кўплаб рисолалар, илмий-тадқиқот ишлари, мақола ва тўпламлар муаллифидир. Айниқса, унинг «Ўзбек театри» ва «Ўзбек театри тарихи» номли салмоқли илмий монографиялари мамлакатимиз театршунослик фани ҳамда ўзбек миллий театр танқидчилигининг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Тажрибали олим моҳир педагог сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ўнлаб истеъдодли шогирдлар тайёрлади.

М.Раҳмоновнинг илм-фан ва маданият соҳасидаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мамажон Раҳмоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АРИПОВ, А.ЖАББОРОВ, Ш.СОЛИҲОВ**

## “ШАРҚ ЮЛДУЗИ” 2010 йил, 1-сон

Журналнинг янги сонини қўлга олган муштарий, аввало, мундарижасига кўз ташлайди. “Шарқ юлдузи”нинг янги йилдаги илк сони мундарижасидан ўқувчи ҳар жиҳатдан қониқиш ҳосил қилиши қувонарли: бугунги наср ва мумтоз поэзия намуналари, замонавий шеърият, янги насрий ва драматик асарлар, болалар адабиёти, адабий танқиднинг турли жанрларидаги чиқишлар, таржима муаммоларига доир суҳбат ва тадқиқотлар, бир сўз билан айтганда, адабий жараёндаги бадиий, илмий изланишлар ушбу сонда жамланган.




Чунончи, ҳазрат Алишер Навоийнинг бир дилбар ғазали билан очилган журналнинг “Наср” рукнида ёзувчилар Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Куза...” номли қиссаси, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба” ҳикояси, ”Шеърият” рукнида шоирлар Омон Матжон, Ҳусниддин Шарипов, Қутлибека, Ойгул Суюндиқова, Рустам Назар, Ҳалим Каримнинг янги туркумлари, Саида Зуннунова ижодидан намуналар, атоқли туркман шоири Мулланафас (таржимонлар: А.Жумаев, Ж.Зулпиев), таниқли қорақалпоқ шоири Тўлибой Қобуловнинг Рустам Мусурмон таржимасида шеърлари, Жуманиёз Жабборовнинг “Уйқусиз кеча” номли икки пардали драмаси, Жаббор Эшонқул таржимасида япон шеъриятидан намуналар берилган.

Ушбу сон мундарижасини бойитган, ранг-баранглиги таъминлаган асарлар қаторида яна Ҳабибулло Қодирийнинг “Эски Тошкентда” тарихий қиссасини, Иброҳим Ғафуров ва Йўлдош Солижоновнинг “Улисс” дунёсидаги эврилишлар”, Ўткир Ҳошимовнинг “Сўз — бу сеҳрли дунё” сарлавҳали суҳбатларини, Ҳаким Сатторийнинг инсон феъл-атвори сирлари ҳақидаги мақолаларини таъкидлаш жоиз.

Аъзам Қозихўжаевнинг “Мулоқот мақоми”, Зулхумор Мирзаеванинг “Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили”, шунингдек, Қозоқбой Йўлдошев, Узоқ Жўрақул ва Аҳмад Абдуллаевнинг адабиётшуносликнинг долзарб мавзуларига бағишланган тадқиқотлари, Абдулаҳад Қаҳҳоров ва Улуғбек Долимовнинг маърифат ва маорифимиз тарихига оид мақолалари билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз.

# БУЮК ИБРАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ул зотнинг сўзлаган нутқларида аниқ мақсад, режа кўзда тутилгани ёрқин кўринади. Низомиддин Шомий ёзади: “Соҳибқирон ҳазрат менга: “Шу услубда ёзилган, ташбеҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади. Агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди”, дегач, бунда (Низомиддин) ер ўпиб арз шарафига шундай етказдим: “Ҳарчанд сўз мартабалари кўп ва манзиллари саноқсиздир, аммо абадиятга пайванд ушбу давлат соясида бу фақирнинг сўз санъатида бақадри имкон қудрати ва унинг услублари борасида бу фан арбоблари наздида шуҳрати бордир. Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: Яхши ва равон сўз улдурким, авом халқ унинг маъносини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай. Шунинг учун айтмишлар (байт):

**“Гар истеъдод бўлмаса,**
**ҳеч ким айтолмас,**
**Хосга мақбулу омма**
**тушунгудек сўзни”.**

Амир Соҳибқирон ҳазрат: “Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман”, деди. Мен дуо маросимини бажо келтиргач, арз иззатгоҳига шундай деб етказдим: “Агар ҳукумлари жорий бўлса, бу банда шу тариқа йўлдан боргаймен, қудратим етгунча унинг уҳдасидан чиқишга урунгаймен ва хизматини умрим шарафи деб билгаймен”.

Юқоридаги суҳбатдан кўриниб турибдики, Амир Темур сўзнинг қудратини теран ҳис этган ўта билимдон, сўз сеҳрини англаган, нотиқлик санъатини мукаммал билган, сўз билан амалга ошиши мумкин бўлган ҳар неники англаб етган юксак маънавият эгаси бўлган.Амир Соҳибқироннинг ёш йигитлик чоғи амакиси амир Ҳожи Барлос Хуросонга жўнашга қарор қилади. Амир Соҳибқирон унга шундай дейди: “Сиз Хуросон томонга боришга азм қилибсиз! Вилоят ва мамлакат ҳокимсиз ва бошлиқсиз қолиб, унга фитнаю футур йўл топгай ва зарар етгай. Агар маслаҳат кўрсангиз, мен ўз вилоятимга бориб, у жойдан подшоҳ хизматига юзланай, унинг амирлари ва вазирларини кўрай, токи вилоят хароб бўлмасин”. (Н.Шомий “Зафарнома”) Соҳибқироннинг бу сўзлари Ҳожи Барлосга таъсир этиб, маслаҳатга мувофиқлигини билди ва унинг гапларини тўғри деб топди. Эътибор берилса, Амир Темур сўзларида бирорта ортиқча, ўринсиз сўз учрамайди. Улар барчаси ақл оловида тобланиб, пишиб етилиб, нутқ орқали намоён бўлмоқда. Фикр аниқ, тушунарли, лўнда ва таъсирчан. Соҳибқирон эл-юртни ўйлаб, унинг тинчлигини таъминлаш ҳақида қайғурмоқда.

Амир Темурнинг халқпарвар, юртпарвар зот эканликларини унинг мана бу сўзлари ҳам тасдиқлайди. Мағлубиятга учраган Амир Ҳусайн Амир Соҳибқиронга: “Ўз хонадонинг ва элингни сувдан ўтказ!” — деб буюради. Амир Соҳибқирон жавоб беради: Эл-юрт, яқин кишилар сувдан кечиш мақсадида жўнаб кетдилар. Аммо бундан нима фойда? Ахир, вилоят вайрон бўлди-ку, яшашу тирикчилик одамлар учун аччиқ кечмоқда, шаҳарлар харобага айланди. Маслаҳат шулки, сиз саломат жўнайберинг! Мен яна бир неча кун туриб, лашкар тўплайман ва бу душманлар билан яна бир бор жанг қиламан”, — деди (Ўша асар, 48-бет). Унинг бу нутқидан ботирлик ва довюраклик балқиб турибди.

Амир Соҳибқирон қайси юртга борса, у ерда тартиб ва осойишталик ўрнатиш йўлини тутганлар. У зот Туфлис мавзеига борганларида амирларини ва аркони давлатини йиғиб, шундай нутқ сўзлайди: “Мен шу замонда воқеъ бўлган ҳодисаю харобликлар, фитнаю фасод боисидан вужудга келган ажойиб ҳолатлар ва ғаройиб ишларни кўрмоқдамен; қонун-қоидалар издан чиққан.

Подшоҳлик расм-русуми йўқолган. Албатта, қудратли подшоҳлар бўлмаганидан кейин мамлакат аҳволига ташвиш ва паришонлик йўл топиши таажжубким, ўтмиш подшоҳлар ва собиқ маликларнинг тутган сиёсати ва ҳокимияти устидадир. Уларнинг шунчалик улуғворлиги, компронлиги ва жаҳондорлиги бўла туриб... гуржий жамоалари қандай қилиб шу дамгача сақланиб, мамлакат ва салтанатни бошқарганлар” (Ўша асар, 135-бет).

Эътиборлиси шундаки, Амир Соҳибқирон нотиқликда ҳам, жасурликда ҳам ўз тингловчиларига ибрат ролини ўтаган. Унинг нутқидан бирон сўзни олиб ташлаш қийин. Ҳамма сўзлар ўз ўрнида мақсад нишонига бехато тегмоқда. Бундай нутқни тинглаган амиру уламолар, аркони давлат Амир Соҳибқирон мақсаду муродини чуқур англаб, унга ишониши, эргашиши табиий эди.

Соҳибқирон бобомизнинг қуйидаги нутқида хайрли ишларга даъват мужассам: “Номдор подшоҳлар қудратининг фойдаси, адолатшиор маликлар ғамхўрлигининг манфаати хайрли ишларни шойиъ қилиш ва яхшиликларни ёйишдир. Ҳозирда биз ўтмиш подшоҳлардан қолган асарларни назора қиляпмиз. Бироқ, албатта, биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замон ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сақланиб қолсин ва унинг ажру савоби беандоза бўлсин”. (Ўша асар, 318-бет).

Ҳазрат Соҳибқирон нутқидаги бу даъваткор куч мустақил юртимизда бениҳоя қадр топиб, Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан обод бўлаётган шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида намоён бўлаётир.

Амир Соҳибқироннинг сўзга бениҳоя эътибори у улуғ зотнинг саркардалик ва давлатни бошқариш санъатида ёрқин из қолдирган.

Амир Темур бобомизнинг бу борадаги ўзига хос услубини чуқур ўрганиш, сўзга, нотиқликка шунчалар масъулият билан ёндашганларидан ибрат олиш баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

**Норкул БЕКМИРЗАЕВ**

# САЛТАНАТ НИЗОМИ

Улуғ бобокалонларимизнинг бугун миллий ифтихор сифатида қадр топаётган фаолияти кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Масалан, қомусий аллома Абу Райҳон Беруний ҳақида гап кетганда, кўпинча бир таъриф тилга олинади: “Унинг фанда шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир”. Бундай кўп қирралиликни буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Бобомиз нафақат ҳарбий саркарда, балки диний ва дунёвий илмлар билан шуғулланган аллома, илм ва санъат ҳомийси, шу билан бирга, кўрган-кечирганларини тафаккур элагидан ўтказиб, теран хулосалар чиқарган мутафаккир ҳам бўлганлар. Ўз даврида дунё ҳукмдорларининг кутубхоналарини безаб турган, бугунги кунда ҳам қўлдан қўймай ўқилаётган “Темур тузуклари” фикримиз далилидир.

“Тузуклар”нинг кўпроқ тарихга бағишланган биринчи қисми “Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим”, деган сўзлар билан тугалланади. Шу ва бошқа ишоралар китоб 1400-йилдан сўнг, аниқроғи, етти йиллик юриш пайтида қоғозга туширилганини тасдиқлайди. Маълумки, шу йилларда Соҳибқирон кетма-кет беш қишни Қорабоғда ўтказган. Кавказ тоғлари бағридаги бу сўлим гўша бобомизда ўзгача меҳр уйғотганини таъкидлаш керак. Ана шу йиллар давомида бир неча муддат юришлардан холи, осойишта дамлар бўлганини солномалар аён кўрсатади. Жумладан, 1399-йил қишни, 1400-йил бошидан ёзгача (тахминан 6 ой), 1401 йил кузидан 1402 йил 12 мартгача (7 ой), 1403 йил кузидан 1404 йил мартгача (7 ой) — жами 25 ойлар чамаси Самарқанд қўшини, унинг олий ўрдуси муқим, оила-рўзғор, фуқаролик шароитларида яшаган. Демак, ана шу осойишта кунларда тинч фаолият билан шуғулланиш имконияти мавжуд эди. Бу фаолиятнинг баъзи қирралари бунёдкорлик, ободончилик, олий анжуманлар тузиш, хорижий элчиларни қабул қилишдан иборат бўлгани маълум. Шубҳасиз, ана шу ранг-баранг юмушлар силсиласида ўтган умрни сарҳисоб қилиб, китоб тузиш(ёзиш)га ҳам навбат етгандир. Негаки, салтанатда ҳар бир воқеани дарж этиб бориш қатъий йўлга қўйилган эди. “Тузуклар”да шундай қайдга дуч келамиз: “Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим”. Дарҳақиқат, девони хос ва девони кабир мирзоларининг қўли-қўлига тегмай солнома битар эдилар. (Уларнинг кейинги тақдири — бошқа мавзу).

“Тузуклар” — оригинал асар, ундаги ҳар бир сўз Соҳибқироннинг эътиборида бўлгани, ё айтиб туриб ёздирилгани ёки назардан ўтказилгани айни ҳақиқат. Буни баъзи кўчирмалар ҳам тасдиқлайди.

“Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим” мақоласида ёзилади (гап юртни босқинчилардан озод қилиш, Мовароуннаҳрда мустақил давлат тузиш учун кураш йиллари ҳақида бормоқда): “Ўша кеча жума эди, тонг отгунча худодан мадад сўраб ухламай чиқдим. Тонг отгач, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланди. Юрагим бўшашди. Тангри таологa ёлвориб, мени бу сарсонликдан қутқаришини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узоқдан бир тўп одам кўринди”. Ўша таҳликали дамларни, ҳаётини гаровга тикиб, Аллоҳга таваккал қилиб, ватан озодлиги учун майдонга чиққан инсоннинг ички кечинмаларини фақат ўша одамгина бунчалик юракдан ҳис этиши мумкин. Парчанинг давоми билан танишсак, у бизни яна ҳам воқеаларнинг ичига олиб киради, ўша кунлар манзараси бутун моҳияти билан кўз олдимизда намоён бўлади: “Кўзлари менга тушгани ҳамоноқ, ўзларидан кетаёзиб отдан тушдилар. Тиз-за уриб, узангимни ўпишди. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туғлуқхожанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тубак баҳодирга кийдирдим”.

Асарни бадиий салоҳиятига кўра ўзбек насрининг дастлабки намуналаридан бири, дейиш мумкин. Ундаги жонли мушоҳада, образли ифодалар, тасвирнинг ёрқинлиги китобхонни бефарқ қолдирмайди. Аввало, “Тузуклар” давлатни бошқариш йўл-йўриқлари ҳақидаги жиддий низомнома, унинг жозибадор услуби алоҳида эътирофга лойиқ.

Тарихий далиллар бу асар ҳукмдорлар учун хос қўлланма саналиб, сарой аъёнлари учун махсус кўчирилган ва қатъий тартиб асосида тарқатилганини кўрсатади. Юқори мартабада эъзозланган “Тузуклар” бугун ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. У давлатчилик тажрибаси ва анъаналарининг ўз ифодасини топганига кўра яна кўп минг йиллар мобайнида мўътабар асар сифатида эъзозу эътиборга сазовор бўлиб бораверади.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

*Мулоҳаза*

Болалик — саволларга тўла бир олам. Ҳар бир янги таассурот бола онгининг ўсишига кўмак беради. Кўраверив кўзимиз ўрганиб қолган нарсалар бор. Гўё уларнинг яралиши шундайдек. Бироқ синчиклаб қаралса, ҳар бирининг ўзига хос тарихи, сабаби бор. Мисол учун, момақалдироқ ва чақмоқ қандай пайдо бўлган? Ёки йўлбарснинг териси нега “йўл-йўл” эканлиги ҳам ғалати... Болалар бундай саволларга қиссалар, ҳикоялар, ривоятлар ҳамда мултфилм-эртаклардан жавобни топиши мумкин.

Мултфилмлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, улар болаларнинг ёшига қараб тайёрланади. Яъни, ўсимликлару ҳайвонот дунёси билан боғлиқ манзаралардан бошланиб, бора-бора инсо-

# ЭРТАК, МУЛЬТФИЛМ ВА БОЛА ТАРБИЯСИ

ният, жамият фаолияти акс этиб боради. Фарзандларимизнинг улғайиш палласида ҳаётда нима яхшию нима ёмон, оқу қорани ажрата олишлари учун эртакларда салбий ва ижобий образлар бўрттириб кўрсатилади. Шу маънода “Зумрад ва Қиммат”, “Тулки билан турна”, “Ур тўқмоқ”, “Тошбақа ва чаён” каби қисқа метражли тарбиявий мавзудаги мултфилмлар эътиборга лойиқ.

Глобаллашув жараёнлари шиддатли кечаётган бугунги даврда Шарқ Ғарбга, Ғарб эса Шарққа қараб силжияпти. Албатта, бунинг ўзига яраша салбий ва ижобий таъсирлари мавжуд. Салбий томони ҳақида тўхталсак, сўнгги пайтларда экранларда болажонларимиз учун тақдим этилаётган ғарб мултфилмлари ҳатто катталар эътиборини ҳам тортмоқда. Чунки авваллари мултфилмлар узоғи билан 15 дақиқа давом этган бўлса, эндиликда уч соат ёки бир нечта қисмдан иборатлиги билан фарқ қилади. Узоқ муддатли бўлгани ҳам майли, ундаги воқеалар, персонажлар, уларнинг либослари фарзандларимиз кўзини сезиларли даражада эрта очмоқда. “Шрэк”, “Бэтмэн”, “Ўргимчак одам” каби мултфилмлар шулар сирасига киради. Улардаги сюжетлар, персонажлар орқали болалар онгида ёвуз иллат ва ҳиссиётлар уйғонади. Натижада оила муҳитида ота-онанинг сўзи, таълим бераётган устоз-мураббийларнинг танбеҳи бетаъсир бўлади. Дўстлар даврасида муштумзўрлик, мактаб партасидаёқ ўспиринларнинг ишқий саргузаштлари борган сари ўзгача тус олмоқда. Илгари болалар “Зумрад ва Қиммат” эртагидаги Зумрад образига тақлид қилган бўлса, ҳозир эса “Бэтмэн” ёки “Ўргимчак одам” персонажларига эътибор қаратади. Ҳатто улар сингари кийиниб, улар “уддалаган” ишларни бажармоқчи бўлади. Болалигиданоқ қонли автоҳалокатлару одамларнинг бир-бирини хўрлаб ўлдиришини фарзандларимиз кўз узмай, ҳатто сесканмай томоша қилишса, бунинг оқибати нима бўлади? Келажагимиз пойдевори бўлмиш фарзандларимиз қалбида Ватанга, онага, табиатга бўлган муҳаббат, эзгулик, жавобгарлик ҳислари тобора йўқолиб бораверса, уларнинг ўрнини қандай туйғулар эгаллайди?

Фарзандларимиз аждодларимиз ҳаёти билан боғлиқ мултфилмларни кўриб, билиб, вояга етса, энг буюк бойлигимиз бўлмиш миллий қадриятларимизни, тарихимизни ва маънавиятимизни чуқур билган бўлардилар. Болаларимиз руҳияти соғлом тарзда шаклланса жамият ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Шунинг учун болаларимиз қандай асарларни томоша қилиб улғаяётгани ота-оналарнинг доимий эътиборида бўлиши зарур.

**Умида ТЎЛАГАНОВА**

# ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ

## уни тарих саҳифасини варақлаб англаш мумкин

*Тақриз*

Дорилломон кунларда содир бўлаётган янгиликларга одатланган киши янги чоп этилган «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» китобига(Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009) ҳам одатдаги нашр сифатида қараши мумкин. Аслида-чи?

Биринчидан, бу китоб журналистика тарихи бўйича илк дарслик (шу пайтгача қўлланмалар чиққан, холос). Иккинчидан, фундаментал тадқиқот даражасидаги теран илмий иш (биринчи манбалар асосида яратилган). Учинчидан, унинг муаллифи истиқлол даври журналистларининг устози, умрини кутубхоналарнинг нодир қўлёзмалар бўлимларию архивларда ўтказиб, арабий ёзувдаги ўзбек алифбосида қолган боболар меросини ҳижжалаб ўқиган зукко олим, профессор Бойбўта Дўстқораев.




Дарсликнинг ўзига хос жиҳатлари талайгина. Аввало, муаллиф ўзигача ўрганилган манбаларга эътибор билан ёндашган, уларнинг яхши томонларини таъкидлаган, яъни қўйилган хатоларга тузатиш киритган, собиқ мустабид мафкура босимида «яратилган» матбуот тарихи нимадан иборат бўлганини очиб берган.

Б.Дўстқораев тарихни, хусусан, журналистика тарихини даврийлаштиришда ўзига хос тўғри йўл тутган. Мазкур дарслик муаллифи Ўзбекистон журналистикаси тарихини таснифлашда бош мезон сифатида мустақиллик ҳодисасини олган ва шу тушунчадан келиб чиққан ҳолда уни икки асосий даврга бўлган:

1. Мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикаси (1870 — 1991 йил 31 август);
2. Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар).

Бу даврларни ҳам алоҳида қисмларга бўлиш мумкинлигини таъкидлар экан, муаллиф ушбу китобда «Россияда монархия ҳукмронлик қилган йиллар Ўзбекистон журналистикаси (1870 — 1917 йил феврал)» ва «Муваққат ҳукумат даврида Ўзбекистон журналистикаси (1917 йил март — 1917 йил ноябр)» бўлимларини батафсил ёритган. Демак, қолган давр алоҳида китобнинг мавзуси бўлади.

«Туркистонда матбуот юзага келиши арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазият», деб номланган иккинчи бобда Туркистоннинг босиб олиниши ва мустамлакачилар олиб борган сиёсат, уларнинг тарғибот воситаси — газеталарда чоп этилган материаллар орқали тарих таҳлилга тортилган. Хусусан, ценузура қачон пайдо бўлган, деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Бу тушунча ўзбекча нашрларга қандай шароитда ва нима сабабдан кириб келган? Муаллиф юқоридаги саволларга тарихий ҳужжатларга асосланиб жавоб берганки, бу нафақат журналистик, балки мазкур соҳага бевосита дахлдор бўлмаган барча зиёлиларни қизиқтириши табиий.

Дарсликнинг «Туркистонда миллий матбуот пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий омиллари» номли бобида мустамлакачи давлат ички сиёсатида юз берган ўзгаришлар оқибатида матбуот ва сўз эркинлигига сиртдан рухсат берилиши, бунинг натижаси ўлароқ пайдо бўлган газеталар, уларнинг мазмун-мундарижаси батафсил таҳлил этилган.

Президентимиз фармонига кўра, биз — матбуотчилар ҳар йили 27 июн кунини профессионал байрам сифатида нишонлаб келамиз. Кўпчилигимиз бу сана «Тараққий» газетасининг 1-сони чиққан кун эканлигини ҳам биламиз. Лекин «Тараққий»нинг кимлар томонидан чиқарилгани, энг асосийси, муҳаррирнинг боши узра мустамлакачи ҳокимиятнинг, қолаверса, унга мутеъ бўлган чаласавод маҳаллий қозию муллаларнинг ойболталари ярқираб турган бир пайтда газетада қандай мазмундаги мақолалар берилганини барчамиз ҳам билавермаймиз. Ана шундай тазйиқлар туфайли бўлса керак, газета кўп ўтмай ёпилган.

Хўш, бу газетада қандай мазмундаги материаллар чоп этилган эди? Китоб муаллифи ушбу мақолаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш билан бирга, ундан кўчирмалар ҳам келтиради.

«Ўзбекистон журналистикаси тарихи» китоби нафақат журналистлар, балки тарихчилар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Дейлик, 1917 йил феврал воқеаларидан то болшевиклар ҳокимиятни қўлга олгунларигача бўлган даврда кечган воқеалар тафсилотлари ўша давр газеталарида чоп этилган мақола ва хабарлар кўчирмаси билан бирга берилганки, уларни ўқигач, ўша пайтда халқнинг бир мушт бўлиб бирикмагани ва озодликни қўлга кирита олмагани сабаблари аён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фикр-иқтибосларнинг ишончли берилгани дарсликнинг хрестоматия вазифасини ҳам бажарганини кўрсатади.

Бугун журналист мафкуравий жиҳатдан расо бўлиш шартлиги ҳақида бот-бот гапирилмоқда. Дарҳақиқат, дунёнинг етакчи давлатлари оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ахборотлар, шарҳлар замирида қандай мақсадлар мужассамлигини аниқлаб олиш осон эмас. Шу боис, дарсликдаги «Туркистон вилоятининг газети» билан миллий матбуот орасидаги мафкуравий кураш», деб аталган алоҳида боб, тарихий далилларга асосланган бўлса-да, талабаларга жуда асқотиши шубҳасиз. Ўша пайтда мустамлакачилар томонидан амалга оширилган ошкора қабиҳликларни билиш бугунги кунда дунёни қўлга киритиш илинжида олиб бораётган пинҳона мақсадларни аниқлаб олишга ёрдам беради.

Сўзбошида истиқлолнинг қадрини тарих зарварақларини меҳр билан, кези келганда дард билан варақлаб, ўтмиш сабоқларини бугунги кун билан қиёслаган инсонгина англаб етади, деган фикр айтилади. Оддийгина мисол. Ўтган аср бошида миллатини озод қилиш илинжида бир бой ўзининг тўққиз болорли уйини болаларни ўқитиш учун ажратиб, мактаб ташкил қилади — кенг синфхонали, барча қулайликларга эга бўлган мактаб ўша даврда эришиб бўлмайдиган орзу эди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда саккиз мингга яқин мактаб, мингдан зиёд коллеж ва лицей қурилди. «Дунё тараққий топмоқда, Ўзбекистонда ҳам шундай бўлади-да», деганлар адашади. Мустабидлик кишанларидан биз каби қутилган қўшни давлатларга назар ташланг — нечта мактаб қуришди? Афғон юртига қаранг – мактаб қуриш у ёқда турсин, чордевор ичида бўлса-да, ўқиш учун шароит йўқ...

Б.Дўстқораевнинг тадқиқот-дарслиги мутолааси жараёнида бундай хулосалар чиқариш, шукроналар қилиш кўп бора такрорланади. Бу эса, журналистика факултети талабасининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлайди, уни турли таҳдидларга қарши курашишга одатлантиради.

Шу ўринда нашрнинг сифати — дизайни, сифатли қоғозда қалин муқовада чоп этилганини таъкидлашни истардик. Бироқ дарсликда баъзи такрорлар, имловий хатолар ҳам учрайдики, буни муаллиф ва ношир кейинги нашрларда эътиборга олади, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дарсликнинг дунёга келиши ўзбек журналистикаси таълимида муҳим воқеа бўлди.

**Ҳалим САИДОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# МУРОДБАХШ ОЛИМ

*Ёднома*



Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигига кириб келган авлоднинг пешқадам вакиллари бадиий адабиётнинг ранг-баранг жанрлари хусусида, турли долзарб муаммолар ҳақида дадил мулоҳазалар юрита билиш, баҳсларда ўктам иштирок этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимиз масалаларини таҳлил этишда фаоллик салоҳиятини кўрсатгандилар. Филология фанлари номзоди Мурод Иброҳимов ана шу авлодга мансуб мунаққид эди.

Ҳозирги ёшлар йигирма беш-йигирма олти ёшларида номзодлик диссертацияларини ёқламоқда, дастлабки тадқиқотларини эълон қилмоқда ва бу — жуда яхши. Мурод Иброҳимов эса, ҳаётнинг машаққатли йўлларини босиб ўтгач, маълум муддат ўқитувчилик қилиб, ҳарбий хизматни ўтаб, йигирма етти ёшида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти остонасига қадам қўйди ва қирқ йиллик умрини шу илм маскани билан боғлади. Академиянинг Тил ва адабиёт институти Мурод акага бамисоли иккинчи хонадонидек қадрдон эди. Жамоада бирор-бир тадбир, йиғин, анжуман, тўй, маърака, муҳокама, мунозара бўлмасдики, унда М.Иброҳимов иштирок этмасин. Шу жамоада у фан номзоди бўлди, беш-олти монография муаллифи сифатида танилди, ўзига яқин устозлар, дўстлар орттирди. Ҳатто бахтини, рафиқасини ҳам шу жамоада топди.

Унинг Ҳамза, А.Авлоний, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳабибий, Миртемир, Зулфия, Шуҳрат, А.Орипов ижодлари, асарлари ҳақидаги тақризлари, мақолалари ўз вақтида адабиётимиз тарихи ва адабий жараён тадқиқи, таҳлилига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. "Ўзбек балладаси" номли китобида баллада жанрининг жаҳон адабиёти, хусусан, инглиз, немис, француз, итальян ва рус адабиётларида пайдо бўлиши, ривожланиши йўлларини кузатар экан, унинг ўзбек адабиётида юзага келишини, айрим мутахассислар айтганидек, фақат ғарб ёки рус адабиёти таъсири билангина боғламайди. Ғ.Ғулом ("Сурнай"), Ҳ.Олимжон ("Роксананинг кўз ёшлари"), Шайхзода ("Ўртоқ Навоий") асарларини ўрганар экан, ўзбек балладаларининг асоси фолклордир, деган хулосага келади. Олим адабий жараёнда фаол иштирок этишга интиларди. Атоқли шоирамиз Зулфия ижодига бағишланган "Қуёшли шеърият ижодкори" номли рисоласи, "Қуёшли қаламдан тўкилган туйғулар" номли тўпламида жамланган мақолалар, "Шарқ юлдузи", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"даги чиқишлари бунга далил бўла олади.

Мурод Иброҳимов академиянинг Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган катта салмоқли тадқиқотларнинг ҳаммуаллифларидан биридир. 20 жилдли Ойбек асарлар тўпламининг тайёрловчилари у З.Саидносирова, Ҳ.И.Ёқубов, Н.Ф.Каримов, М.С.Султонова, Н.В.Владимирова, Р.М.Иброҳимова, Ш.Эшонхўжаевлар қаторида у нуфузли мукофотга сазовор бўлди.

Олим фақат ўзбек адабиёти масалаларини ўрганиш билан чекланиб қолмади. Унинг Пушкин, Лермонтов, Некрасов ва, айниқса, Л.Н.Толстой ижодига бағишланган мақолалари рус адабиётини ўрганишда ўз ўрнига эга. XX асрнинг 20-йилларидаги ўзбек поэзияси жанрларининг таркиб топиши муаммоларини ўрганишга бағишланган, профессор Ҳ.И.Ёқубов масъул муҳаррирлигида чоп этилган китобда олим ўтган аср 30-йилларигача ўзбек шеъриятида анъанавий поэтик жанрлар ривожини кузатади, янги шеърий жанрлар ва шаклларнинг туғилиши, таркиб топиш жараёнини таҳлил этади. Хусусан, тадқиқотчининг жанр атамалари ва адабий терминлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга уринишлари ўз вақтида эътиборни тортган эди.

Яқиндан таниганлар, билганлар, бирга ишлаганлар Мурод Иброҳимовни тиниб-тинчимас инсон сифатида ёдга оладилар. У илмий тадқиқотлардан тортиб одатдаги анжуману тадбирларгача доимо фаол иштирок этар, сўзга чиққанида даврага файз киритарди. Хусусан, бир гал боғча тарбиячиларининг илтимосига кўра рафиқаси Замира Иброҳимова билан ҳамкорликда жажжи болажонларга мўлжалланган шеър, ҳикоя ва эртаклар жамланган "Дурдона" номли мажмуанинг нашр этилишига бош-қош бўлгани эсимда.

Дарвоқе, оила масаласида Мурод Иброҳимов: "Мен омади кулган одамман", дер эди яқин биродарларига ва ҳақиқатан ҳам шундай эди. У бир неча насрий тўплам ҳамда илмий рисолалар муаллифи, болалар адабиёти бўйича мутахассис, филология фанлари номзоди Замира Иброҳимова билан тотув ва бахтли яшади. Уч фарзандни замонага муносиб тарбиялаб, вояга етказди. Муродбахш олимнинг ибратли умри, фаолияти, чин инсоний фазилатлари шогирдлари, дўстлари ва фарзандлари ҳаётида давом этаётгани барчамизга таскин беради.

**Бахтиёр НАЗАРОВ**

## "МУМТОЗ АДАБИЙ АСАРЛАР ЛУҒАТИ"

Таниқли тилчи ва луғатшунос Бердак Юсуф томонидан тузилган "Мумтоз адабий асарлар луғати" "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида беш минг нусхада чоп этилди.




Мазкур луғатга ўрта мактаб дарсликларидаги, синфда ва синфдан ташқари ўрганишга мўлжалланган ёзма ёдгорликлардаги, асосан, эскириб истеъмолдан чиққан, ўқувчилар учун тушунилиши қийин бўлган араб, форс, туркий сўзлар, сўз бирикмалари, изофалар киритилган.

Луғатда бирдан ортиқ маъноли сўзларнинг ҳар бир маъноси араб рақами билан кўрсатилган ва деярли ҳар бир маъноси мисоллар билан таъминланган. Сўзларнинг, асосан, дарсликка киритилган матнлардаги маънолари олинган. Луғатга киритилган сўзлар сони 4677 та.

*Доимий ҳамроҳ*

Аммо матнни тўла тушунишни осонлаштириш мақсадида баъзи қўшма сўзлар, ибора ва сўз бирикмалари ҳам киритилган.

Нашр масъул муҳаррири филология фанлари номзоди Қ.Эргашев, тақризчилар — филология фанлари номзоди В.Раҳмонов, А.Эшонбобоев. Луғат ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

# ФАСОҲАТ

## Ифода санъати

Ўзи ўртага савол қўйиб, яна ўзи унга жавоб бериш моҳир мураббийларнинг усули. Моҳирона саволга моҳирона жавоб ҳам мураббийларнинг усули. Буни ҳақиқий мураббиёна савол ва мураббиёна жавоб дейиш мумкин. Навоий, Толстой, Шекспир, Гёте асарларида шундай теран томирли саволлар ва шунга яраша теран томирли жавобларга дуч келамиз. Уларда ҳаёт, инсон, толе, инсоннинг қаердан келаётгани ва қаерга бораётгани устида чўнг изтиробли ўйлар, умид ва умидсизликлар акс этади.

Мўъжизалар китоби Қуръонда ҳам бир неча сураларда ва уларнинг бир қанча карима оятларида Тангрининг бир қанча саволлар қўйганига ва уларга инсоният маърифати учун яна Ўзи мантиқ тўла жавоб берганига дуч келамиз. Чақмоқ қора булутлар бағрини оний шиддат билан тилиб, оловли из қолдириб, ёритиб ўтган каби Қуръонда янграган бу саволлар ҳам инсон онги, унинг қалби ва шууридаги зулматларни тилкалаб ўтади ва сира ўчмас маърифатли из қолдиради.

Қуръон ўз ғоялари ва улар асосига қурилган ислом таълимотини масаллар, пайғамбарлар, қавмларнинг гўзал қиссалари билан исботлаб, таъсирли қилиб киши онгига етказганидек, одамлар билмаган жуда кўп ҳодисалар ҳақида саволлар қўйиб, саволларни таъсирли оҳангларга чулғаб, уларга кишилар учун янгилик бўлган жавоблар бериб, шу орқали имонга чорлайди, имонли бўлмоқликнинг фазилатларини рад қилиб бўлмас далиллар билан уқтиради. Кўп эшитганман: одамлар "Қадр" (Қудрат) сурасини севиб ўқийдилар, такрорлайдилар, унинг жарангли садоларига мафтун бўладилар, маъноларини чақиб ҳайратга тушадилар.

"Биз уни қадр кечасида нозил қилдик. Сен биласанми қадр кечаси нималигини? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир."

Бу савол **"Ва мо адрока...",** деб бошланади. Агар сўзма-сўз таржима қилинса, бу "идрок қиласанми..." дегани бўлади. Лекин англаш қулай бўлиши учун уни барча ўзбек таржимонлари "биласанми", деб ўгирганлар. Фақат Абдулазиз Мансур "Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?!" деб ағдарган. Аммо бу ўринда биз таржималарнинг қандайлиги ҳақида эмас, саволнинг нима учун айнан шундай қўйилаётгани, бундан қандай мақсад кузатилгани устида мулоҳаза юритсак, фойдали бўлармикин, деймиз.

Араблар кунларга, ойларга, йилларга ва турли табиат ҳодисаларига ном беришни қадимдан одат қилган эдилар. Фил йили, Зилзила йили, Қадр йили... деб эслаб, ўша йили бўлиб ўтган воқеаларни бир-бирларига ҳикоя қилиб юришар ва бундан инсоний ибратланишарди. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" деган улуғ китобида жуда кўп қимматли маълумотларни келтирган, йил ҳисобларидаги турли чалкашликларни тўғрилаган, ҳатто пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадинага қачон ҳижрат қилиб, қачон "Ошуро" рўзасини тутганини аниқ ҳисоблаб бериб, шунгача бўлган чалкашликларни тўғрилаган. Лекин гап бунда эмас. Арабларнинг ўз айёмларига ном бериш одатлари, мана, Қуръон сурасида ҳам ўз акс садосини топаётганида. Пайғамбаримизнинг ҳикоя қилишларича, Рамазон ойининг учинчи ўн кунлигида, тўғрироғи 26-дан 27-га ўтар кечаси илоҳий Қуръон ваҳий билан нозил бўла бошлаган. Мана шу инсоният тарихида бурилиш ясаган воқеалардан бири рўй берган вақтни Қуръон "лайлатул-қадр", яъни Қудрат кечаси, деб атади ва бу ҳақда мўъжизакор маънога тўлиқ алоҳида сура туширди.

Тангри ўз сурасини кутилмаган эъжозий савол билан бошлайди. Бундан илгари сен ҳеч қачон шундай кунга, шундай кечага, шундай таъсирли сўзларга ва ниҳоят, шундай фавқулодда саволга учрамаган эдинг-ку, эй инсон, ибрат олмайсанми? — дегандай бўлади. "Мо адрока..." деб бошланадиган савол Тангри китобининг кашфидир. У илоҳий китобнинг таъсир кўрсатувчи жозибали усулларидан бирига айланади. Тангри бошқа фавқулодда ҳолатларда таълимнинг илоҳий шаклидан такрор-такрор фойдаланади. Алоҳида илоҳий тил йўқ. Илоҳ доим инсоний тилдан фойдаланади, инсоний тилни қўллайди. Буни файласуфлар антропоморфизм, деб атшаган. Бу табиий нарса. Чунки Тангрининг мақсади инсон, шунинг учун унинг тилида, унга тушунарли қилиб сўзлайди. Бу — илоҳий эслатмалар тилидир.

Лекин, буни қарангки, ушбу қисқагина сура шарофати билан инсоният ҳаётида лайлатул-қадр деган тушунча ва у билан биргаликда бутун бир ҳодиса қарор топди. Ислом маданиятида у байрамга айланди. Одамлар шу кеча кирганда, уни бедор ўтказиб имон ҳаловати топишга интиладиган бўлдилар. Бир саволнинг қудрати шундай бўлди.

"Қориа" сурасида **"мо адрока...",** деб бошланадиган савол бир эмас, қисқагина сурада уч бора такрорланди. Савол сурани жуда шиддатли тусга киритади. Унда илгари араблар ҳеч эшитмаган, уларнинг ақллари бовар қилмаган оҳанглар янграйди.

"Қориа. Қориа ўзи недур?
Билурмисан қориaнинг нималигини?
Ва мо адрока мо ал-қориату?"

Муфассирларнинг талқин қилишларича, қориа қиёмати азимнинг номларидан бири. Унинг бир қанча маънолари мавжуд. Муфтий Шамсиддин Бобохонов ўз таржимасида унга "тарақлатувчи", деб изоҳ берган. Таржимаси матнида эса "қиёмат" деб ўгирган, соддалаштириб юборган.

Алоуддин Мансур: **"Ал-қориа"** калимаси "қалбларни қаттиқ қоққувчи (қиёмат)" — деган маънони англатади", деб тушунтириб ўтади. Суранинг биринчи оятини "(Ўз даҳшатлари билан кишилар қалбини) қаттиқ қоққувчи (қиёмат)!" — деб ўгиради, бир оғиз сўзни бир неча оғиз сўз ва изоҳга айлантиради. Қуръон ўз кутилмаган қисқа саволига тасаввурларни жонлантирадиган, ҳаяжонга соладиган жавоб беради. Яъники, **қориа** кунида одамлар тўзғитиб юборилган парвоналардек бўлиб қолурлар. Тоғлар эса титилган юнг мисоли тўзғийди. Ўша куни яхши ва ёмон амаллар бари тарозуда тортилади. Имонсизлар тубсиз чоҳдан жой олади. У ерда ловуллаб ёнган олов ҳоким. И.Ю.Крачковский **"қориа"**ни — **"поражающее"**, деб талқин этади. Абдулазиз Мансур шунга яқин йўл тутади: "(У) зарба берувчи (қиёмат)дир. (Эй инсон), зарба берувчи не эканлигини сенга не ҳам англатур?!" — деб ўгиради. Крачковскийга пайравлик қилади. Сура дунёда яхши амаллар қилмай ўтган, яхшиликлари, эзгу ишлари тарозининг палласини босишга ярамаган кишиларнинг охиратдаги жойларини ҳам кўрсатади. Бу жойнинг номи тубсиз қаър, жарлик — сура тилида **"ҳият"** ёки **"ҳовият"**. Тарозиси енгил келмиш зотнинг онаси — **"ҳовият"** ("Фоуммуху ҳовия"). **"Ҳовия"** сўзи ваҳий қилиниши биланоқ яна ўша чақмоқ савол эшитилади: **"Ва мо адрока мо-ҳият"**. Жавоб шу заҳоти эшитувчининг миясига яшиндек уради: **"Норун ҳомият".** Барча таржимонлар бу қиличдек оятни алангали ўт ёки ловуллаган олов, деб таржима қиладилар. **Ҳовия** — **қориа**нинг узвий бўлаги. **Қориа** яшиндек зарба берувчи бўлса, **ҳовия** — унинг ядровий алангаси. У бепарво, лоқайд, фақат ўз-ўзича бойлик, давлат йиғиб, шу билан мағрурланиб юрганларга омонлик бермайди. **Ҳовия**, демак, бу — тубсиз чоҳдаги мангу ўчмас алангали олов. Сура ушбу тушунчалар илоҳий китобнинг ёрқин **кашфи** бўлгани учун ҳам уларни тушунтириш йўлидан боради ва уларга ўзининг машҳур экспрессив саволи билан диққатни жалб қилади, уларни тирик дунёдаги қилмишларнинг жазоси сифатида қаттиқ эслаб қолишга ундайди. **"Мо адрока..."** бу ерда ҳам, бошқа ўринларда бўлганидек, мислсиз эслатувчи, диққатни тортувчи вазифасини бажаради. У хотира дарвозасини тақиллатади.

Одамлар қавмлари орасида бир-бирларини ғийбат қилиш, масхаралаш, пастга уриш, обрўсини тўкиш одамзот ер юзига келибдики, одат бўлиб келади. Ғийбатчилар, масхараловчилардан барча пайғамбарлар, уларнинг яқинлари, оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва жумладан, жаноб Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, саҳобалар ҳам, уларнинг хонадон аъзолари ҳам кўп азиятлар чекишгани тарихдан маълум. Ғийбат, масхаралаш, обрў тўкишни имонли мўмин кишига мутлақо ярашмайдиган ахлоқий унсур, деб топди ислом таълимоти. Сураларда бу ахлоқий иллатга қарши ўтли ўта таъсирчан сўзлар тушди. Айниқса, **"Ҳумаза"** сураси ғийбат ва таҳқирнинг ўрни қаерда эканини ҳаяжон тўла сатрларда кўрсатди. Ғийбат, таҳқир билан машғул, муккасидан кетиб бойлик тўпловчи зотларнинг охират ҳаётидаги ўрнини таърифлади. Ғийбатчининг ўрни **"хутама"**, деб ҳукм ўқиди. **"Хутама"** ҳам одамзот учун, дин ва ахлоқ дунёсида **янгилик**, **кашфиёт** эди. Шунинг учун **калом етказувчи** яна ўша ўзининг хотира эшигини безовта қоқувчи ҳаяжонли ўткир саволига мурожаат этди:

**"Ва мо адрока мо-ал-хутама".**

Сезаяпсизми, бу савол юракларимизда акс садо топа бошлади. У савол ортидан ғийбатчи ва масхараловчиларнинг тақдирига, ғийбат ва таҳқирнинг оқибатига инкор этиб бўлмайдиган жавоб топилди: **"хутама"** бу — **норуллоҳ**, деб жавоб қилди Қуръон сўзи. У мудом тўхтамай ёниб туради. У инсон қалбларини қамраб олади. Охират ҳаёти ҳақидаги ушбу жуда қисқа ва жуда ўтли сураларнинг бари бир-бирини тўлдириб боради ва буюк бир аланга ҳосил қилиб, инсон учун охират ҳаётини ёритади.

**"Мо адрока..."** илоҳий саволи ортидан келган сатрлар — оятлар қиёмат, охират, жаннат ва дўзах ҳаётининг эъжозий манзараларини кўз ўнгимизга келтиради. Бу манзаралар бошқа динлардаги қадимлардан маълум бўлган шу ҳодисаларга ўхшаш тасаввурларни беҳад даражада бойитади, ўз кашфиётларини қўшади, натижада охират ҳаёти тақводорлар, диндорлар, имонлилар, эзгу амал эгалари учун унутилмас бир тизим тусини олади. Бу тасвирларда мўъжизакор образли дунё, яъни ҳақиқий тасвир ҳосил бўлади. Тасвир ва тасаввур бундай ҳолларда фавқулодда ўзаро уйғунлик топади. Қуръон **"мо адрока..."** деб тушунтираётган сўзлар, тушунчалар — булар образли сўзлар, образли тушунчалардир. Тасвирнинг илоҳий булоқлари. Европа олимлари бу каби тушунчаларда асотирий маънолар қидиришиб, асотирий маънолар кўришиб (буни қарангки, биз ишлатаётган **"асотир"** сўзи ҳам Қуръон калимаси бўлиб, у **"асотири аввалин"** деган бирикмада илоҳий матнда бизгача етиб келган), ҳатто бу мифологик ҳодисага **"архетип"** деган тушунча остида баҳо беришган. "Архетип" тушунчасини швецариялик психоаналитик олим, улуғ мифшунос К.Г.Юнг ишлаб чиққан ва у орқали **илк образлар** чизгиларини назарда тутган, юнон тилидан таржимада бу тушунча **"илк образ"**, деган маънони англатади. Қуръондаги **"тутун", "олов," "чоҳ", "сақар", "ҳовия", "сижжин", "иллийун"** каби тушунчалар, эҳтимол, эслаб бўлмас қадим-қадим замонларнинг асотирларидан келаётган, эҳтимол кўплари унутилиб кетган, Қуръон саҳифаларида эса Тангри томонидан тавҳид ва имон ғоялари муносабати билан яна янгидан эслатилаётган образлар, образли тушунчалар, архетиплардир. Бу илк образлар фақат сўз, каломгина эмас, уларнинг ортида, замирида улкан руҳоний эъжозий ҳаёт манзаралари ўз тафсилотлари билан мужассамдир.

Муфассирлар Қуръон оятларида Иброҳим пайғамбар, Мусо пайғамбар, Исо пайғамбар замонларидан келаётган ва лекин V — VII аср араб қавмлари орасида аксаран унутилаёзган (жоҳилият, тинимсиз ўзаро қабилавий урушлар, талон-торожлар, мушриклик, кофирлик бало-офатлари боис) жуда кўп қадим сўзлар қиссалар, ақидалар, масаллар ва янги ҳодисаларнинг манзараларида қайта тирилганини қайд қилиб ўтганлар. Океан сиёҳ бўлганда ҳам у Қуръон қиссаларини баён қилишга етмайди, деган илоҳий образ бунда нақадар ҳақлигини исботлаб туради.

Қуръон олам тан олган мўъжиза китоб бўлгани боис савол ҳам туғилади: Тангри уни аввал ном бериб сўнг яратдими? Ёки аввал бино қилиб сўнг ном бердими? Ҳар ҳолда у инсонни яратганда, унга **нарса-ҳодисаларга ном бериш мўъжизасини** ҳам ато қилди. (Иблис буни инсонга ғаш кўрди. Унинг тирноғи ичига кириб олди.) Инсонга шу тариқа нарсаларни номлаш, мантиқли фикрлаш ва дунё муомалаларини сўз ва мантиқ билан олиб бориш, муроса ва мадора қудрати ато этилди.

Инсонда нариги дунё ҳаёти тўғрисида билим йўқ. Бори ҳам ғоят чалкаш эди. Қуръон мўъжизакор сўзи билан нариги дунё ҳаётининг бутун таъсирли образли манзараларини яратиб, ибрат учун инсониятга тақдим қилди. Бу манзаралар, айниқса, "Раҳмон", "Воқеа" сураларида мислсиз маъно бўёқларини касб этди ва "Фабиаййи олойи раббикумо туказзибон", деб ўттиз бора такрорланган саволда ўз поён чўққисига кўтарилди. Бу суралар дунё бадиий поэтик сўзининг камол чўққисидир. Унга Тангридан ўзга ҳеч зот кўтарилолмади.

Қуръон **"мо адрока..."** деб савол ташлаганда олам — бу олам ва у оламнинг инсон ақлини ожиз қилиб қўядиган воқеалари ҳақида фикр юритади. Бу билан фавқулодда мистик ҳодисаларга — бу жуда ғалати эшитилса ҳам — реалистик тус беради. Одам илгари идрок этмаган, этолмаган воқеа-ҳодисаларни идрок эта бошлайди.

**"Биласизми жазо куни нималигини?"** ("Инфитор", 17.-18).

**"Биласизми ажрим куни нималигини?"** ("Мурсалот", 13.-14).

**"Биласизми сижжин нималигини?"** ("Мутаффифун", 7.-9).

**"Биласизми иллийун нималигини?"** ("Мутаффифун", 19).

Булар ҳам Юнгнинг "архетиплар" ҳақидаги таърифига сиғадиган илоҳий асотирий воқеа-ҳодисалардир. Улар — образ-ҳодиса. Сура **"Сижжийн"** ва **"Иллийун"** — **битилган китоблардир,** деб хабар беради. Имонсизларнинг номаи аъмоллари **"Сижжийн"** китобига ёзилади. Аброрларнинг яхшиликлари **"Иллийун"**-га дарж қилиб борилади. Бири етти қат ер тагида, иккинчиси етти қат осмонда — **Арш кутубхонасида** сақланади. Қуръон Аллоҳ оламни илм билан қоплаб олганини айтади. Бу икки мўъжизавий китоб ҳам олам илмдан бино бўлганига уйғундир. Бу сўз-тушунчалар қаерлардан тушди экан? Улар Яқин Шарқ маданиятининг қайси қадим асотирларидан келаётибди? Юнонлар қадим Трояни **Илийон**, дердилар. У ерда Афинанинг улуғ ибодатхонаси бўлган. Ҳомер ўз буюк достонини "Илиада" деб атагани ҳам шу **илиондан**. Аммо бу **"иллийун"** билан боғланадими? Балки "Гилгамеш"ларда шуларга яқин сўзлар бўлгандир? Балки "Таврот"да, балки "Инжил"да? Аммо Қуръон улар орқали тамомила янги ҳодисаларни одамзотга англатди ва унга янги маданий тушунчалар туҳфа этди. Бирининг ер остида, иккинчисининг ер устида самода жойлашгани ҳам жаннату дўзах еру само орасидадир, деган тасаввурга нақадар уйғун ва бунда **илоҳий мантиқ** ҳоким. Аллоҳ ўз каломини тушунтириб бериш ва уни баён этиш ҳамда доим эслатишни ўз зиммасига олган (75.19). Бундан ҳам ваҳийнинг палапартиш бир нарса эмас, балки устувор мантиққа эга эканини уқиш мумкин. Само, нариги дунё, охират, қайта тирилиш, имон ҳодисаларини, ажрни Аллоҳ тушунтирмаса, баён қилмаса, шу пайтгача ким тушунтирган, улар ҳақда ким тасаввур уйғотганди? Самонинг ўзи шуни тақозо қилган, шуни юзага чиқарган. Аллоҳ қасам ичиши ҳожатсиз эди. Лекин қасам арабларга аждод-аждодлардан яқин эди. Шунинг учун Аллоҳнинг қасами арабларга тушунарлироқ эди. "Ториқ" сурасида Қуръон ҳақ билан ноҳақни ажратувчи Сўз экани таърифланади. Қуръон — мислсиз сўз олами. Тўрт муқаддас оят ичида сўз нималиги устида ажойиб таъриф келади: **яхши сўз — яхши дарахт; ёмон сўз — ёмон дарахт; мустаҳкам сўз, қатъий сўз, собит сўз, оғир сўз —** булар Қуръонда нималиги тушунтирилади. Исломнинг сўз ҳақидаги қарашлари, ўлчовлари шуларда ифодаланади. Яхши сўз, худди яхши дарахт каби, доим лазиз ва эзгу мевалар беради. Унинг илдизи мустаҳкам, ҳеч бир шамол, тўфонлар бу эзгу дарахтни қулатолмайди. Бу Қуръоннинг сўз ҳақидаги илк таърифи ва у "Иброҳим" сурасида баён қилингани ҳам эътиборли. Ёмон сўз эса мисоли ёмон дарахт. Унинг илдизлари ерга омонат ўрнашган, улар ҳар дамда узилиб кетадигандек. Имон келтирганлар **устувор, мустаҳкам сўз** билан ҳамиша собит ва собитқадамдир. Имон топмаганлар эса доим адашиб-улоқиб юради, ҳалокат ва фалокат қўли доим уларнинг ёқасида. Аллоҳ табиат ҳодисаларини худди инсон эҳтиёжлари ва унинг яшаш шароитлари учун етиштиргандек, сўзларни ҳам одам эҳтиёжлари, унинг маънавий дунёси, руҳонияти, ақл-идроки, гўзаллик, зийнат эҳтиёжлари учун сафарбар қилгандек бўлади. Гўзал, мўъжизакор сўзлари такрор-такрор (мўташобиҳ) келувчи илоҳий китоб сўзни ва унинг қиммати, қадрини мана шундай тушунтиради. Сўз билан самоларга чиқиш, меҳрибон ер қаватларига тушиш қурбини ато этади. Сўзларнинг шундай гўзал таърифлари билан дунё адабиёти ва маданияти қанчалар тараққий қилди. Буюк олимлар, адиблар, муфассирлар, тарихнавислар ўша сўзлардан илҳомланди. Навоий каби зотлар илоҳий сўз қудратини бутун ижодиётига сингдирдилар ва кўкларга парвоз қилдилар. Қуръон сўзларидан тараққиёт муждалари отилиб чиқди. Сўз нур янглиғ олам ва одам қалби, онг-шуурини тамомила қамраб олди.

Биз **"ад-дийн"**, **"ажр"**, **"сақар"**, **"ториқ"**, **"қадр"**, **"духон"**, **"қория"**, **"хутама"**, **"ҳовия"**, **"сижжийн"**, **"иллийун"** сингари **"мо адрока..."** савол услуби билан тушунтирилган сўзлар ҳақида фикр юритдик. Бу ишлар аввалларда қилинганми, қилинмаганми ё энди қилинмоқдами — Аллоҳ билади. Аллоҳ рози бўлсин.

Имон қавлини ўрганиш эса ҳамиша инсон учун хайрлидир.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

# ЁШ РЕЖИССЁРЛАР ИЗЛАНИШДА

***Ёш режиссёрларнинг навбатдаги "Дебют — 2010" республика кўрик-фестивалида ёшларимизга ўз ижодий қизиқишларидан келиб чиқиб асар танлашдан тортиб, услубларни белгилаш, ўзлари фаолият юритаётган ёки диплом ишларини қўйган профессионал театр саҳналарида спектакл саҳналаштириш имконияти берилди.***

***Маълумки, режиссёрлик алоҳида эътибор ва малакани, изланиш ва ўрганишни талаб этадиган касб. У — жамоанинг юзи, йўналиши ва келажагини белгилайдиган ижодкор. Мазкур кўрик доирасида режиссёрлик ишларини таҳлил қиларканмиз, аввало, ёшларимизнинг келажакда ўзбек театр санъати тараққиётини белгилашлари мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмадик.***

Режиссёрларимиз миллий драматургия, жаҳон ва рус драматургларининг таржима асарларига мурожаат қилганлар. Дастлаб миллий драматургиямиз намуналари асосида саҳналаштирилган спектаклларга тўхталсак. Қашқадарё театрининг "Қўнғироқли алдоқчи" (режиссёр Ф.Бойназаров) мусиқали эртак-томошасида ўйналиши мумкин бўлган драматургик материал бор. Драматург болалар оламига мурожаат қилгани ҳолда, катталар дунёсида кечадиган ҳолатларга урғу беришга ҳаракат қилган. Буни ҳис этган режиссёр характерларнинг ишланишида бир-икки деталлар орқали уларга таъриф бера олган. Натижада, театр санъатининг бутун компонентлари ҳамоҳанглигига эришилган эстетик тоза спектакл дунёга келган. Томошабин спектаклдан нафақат руҳий, маънавий озиқ олади, балки томошада ўтирганини ҳам ҳис қилади. Мусиқий оҳангдорлик (қўшиқлар фонограммада ижро этилса-да) ҳар бир персонажнинг руҳиятини очишга кўмаклашган.

Самарқанд театри жамоаси олиб келган "Вақт ўғриси" (Р.Хўжамуродов инсценировкаси ва режиссураси) спектакли ХХ аср аввали ёзма драматургия на-



муналари яратилаётган бир давр маҳсули бўлган Абдулла Бадрийнинг бир пардали кулги асари асосида саҳналаштирилган. Ҳажм жиҳатидан кичик, борйўғи икки киши қатнашадиган саҳна асарида муаллиф саводсизликни ҳажв қилади, илмнинг афзалликларини таърифлайди, вақтнинг қадрига етиш лозимлигини уқтиради. Ўтган аср бошида ёзилган саҳна асарининг замонавий жаранглаши учун янги матн ёзишга ҳаракат қилинган. Котиба персонажи киритилган, муҳаррир замонавий матбуот ходими, берилган шарт-шароит замон талабига ҳамоҳанг.

Вақтни тежаш ҳақида чиройли спектакл яратиш мумкин эди. Унинг ўрнига замонавийлик урғуси ўрнини топмаган, чўзилиб кетган, асосан актёрларнинг томошабинда кулги уйғотиши учун мўлжалланган спектакл дунёга келган.

Қашқадарё театрининг "Юрт қадри" (Н.Шодмонов асари, режиссёр А.Бердиев) спектакли одам савдосининг барча кўринишларига қарши кураш ҳақида бўлиб, хорижга ноқонуний чиқиб алданган юртдошларимиз азоб-уқубати, бу фалокатнинг олдини олиш лозимлиги театр санъати воситалари билан тасвирланган. Ният яхши, мавзу долзарб. Лекин доим ҳам ўз вақтида ёзилган асар замонавий мавзудаги спектаклнинг яратилишига асос бўла олмас экан. Спектакл асарнинг иллюстрациясига айланиб қолган.

Томоша якунида оқ ридодаги қизнинг кўзи қора мато билан боғланган қатнашчиларни саҳнага олиб чиқиши ва бирин-кетин уларнинг кўзидаги боғични олиб ташлаши, ишга ёлланган ўзбек йигитларининг қизлар манфаатини ҳимоя қилиш асносидаги жанг саҳналари жуда жўн. Ўғли дийдорига тўя олмай ҳаётдан кўз юмган она, кўзи кўр бўлиб қайтган йигит фарёди саҳна ортида қолиб кетган.

Қўқон театрининг "Кўрмаганнинг кўргани қурсин" (Э.Усмонов асари, режиссёр И.Абдуллаев) сатирик комедияси алоҳида-алоҳида олинган кулгили миниатюрабоп саҳналар йиғиндисига айланиб қолган. Саҳналаштирувчи режиссёр пантомимик кўринишлар билан ўз ғоясини томошабинга етказишга ҳаракат қилган. Спектакл юки фаррош аёл бўйнига тушган. Супурги билан ёмонларни супуриб ташлашга ҳаракат қилади. Ёмонлар жазоланиши ёки ҳеч бўлмаганда, томошабин таъқибига учраши лозим эди. Амалда ҳамкасблар янги бошлиқ атрофида парвона...

ХХ асрнинг ижтимоий силсилалари даврида ёзилган икки асар — Ш.Бошбековнинг "Тикансиз типратиканлар" (реж.- У.Қаландаров) ва Р. Муҳаммаджоновнинг "Давлат болалари" (реж. Б.Мирмақсудов) спектакллари аввал ҳам саҳналаштирилганди. Саҳна амалиётининг яхши намуналари бўлган бу асарларга режиссёрларнинг яна мурожаат қилганлари бежиз эмас. Драматургик материал мавжуд, замонавий жаранглаши масаласига келсак, ҳар икки спектаклда ҳам ёш режиссёрларнинг саъй-ҳаракати сезилиб турибди. Уларда ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулияти масаласи кўтарилган.

Жаҳон драматургияси намуналари асосида саҳналаштирилган Ўзбекистон Ёшлар театри режиссёри К.Абдураҳмsecurityнинг "Бузилишга мўлжалланган" спектаклида ёш режиссёр, композитор, мусаввир ҳамкорликда ижод қилишган. Саҳна ўта тежамкорлик билан безатилган. Мазкур спектаклда театрнинг синтез санъат эканлиги яна бир карра намоён бўлади. Ҳар бир саҳна кўриниши видеотасвир билан ҳамоҳанг ҳолда кўрсатилади. Лекин баъзи ўринларда бу видеотасвир ортиқчадек туюлади. Актриса айта олмаган, аниқроғи, кўрсата олмаган ҳолатни видеотасвир изоҳлагандек. Яна бир томони, спектаклда актриса (Лейла Сейд қизи)га жуда оғир вазифа юклатилган. Аввалامбор, у гавдалантираётган қаҳрамонидан ёш жиҳатидан анча катта ва нутқи, овоз диапазони ҳиссиёт туфайли бўғилиб, доим ҳам томошабинга етиб бормаяпти.

Қўқон театрининг "Қирол" спектаклида режиссёр Г.Олимова ҳам таржимон, ҳам режиссёр-постановкачи сифатида фаолият юритган. Спектакл жанри маромномаларда парадокс деб белгиланган. Бизнингча, бу спектакл билан режиссёр абсурд театрига қўл урмоқчи бўлган. Томоша охиригача қиролнинг бу воқеаларга нима алоқаси борлигига тушуниб бўлмади. Спектакл сўнгида врач-офталмолог тахтга бориб ўтиради ва орқа фонда тож тасвири намоён бўлади. Демак, у ҳам қайсидир маънода бу воқеаларга алоқадор. Қўғирчоқ қаҳрамоннинг саҳнада актёрлар билан тизилиб ўтириши ўзига хос режиссёрлик ечими сифатида тақдим этилган.

Н.Гоголнинг "Шинел" асари асосидаги спектаклда бир оғиз ҳам сўз йўқ, барча айтиладиган гап ва фикрлар мусиқа, хатти-ҳаракат, пластика орқали берилади. Режиссёр А.Зуфаров зиммасига катта юкни олган. Лекин мусиқалар танлови, шер ва тулки қўғирчоқлари, ўргимчак уяси кўриниши, қаҳрамоннинг саҳнага оқ ридога ўралиб кириб келиши, томошабинларни эшик оғзида дарахт соясида мана шу ҳолатда кутиб олиниши у қадар асосланмаган.

Сирдарё театрининг "Ёр истаб" (А.Чехов) спектаклида бир қараганда, саҳна яхши безатилгандай. Лекин бу сценография асар руҳиятига мос тушмаган, воқеа ўрни аниқ эмас. Асарда воқеа рус помешчиклари турмушидан олиб ёзилган. Бироқ спектакл на рус, на ўзбекона турмуш тарзидан ҳикоя қилади.

"Айиқ" А.Чеховнинг бир пардали асарларидан бири. Афсуски, режиссёр Х.Солиев (Сатира театри) саҳналаштирган спектакл кулги уйғотмади. Саҳнада юқори овоз пардаларида даҳанаки жанг борса-да, асарга хос ҳолатдан келиб чиқадиган кулги, жўшқинлик йўқ. Юқорида тилга олинган Чеховнинг икки асари асосида саҳналаштирилган спектаклларнинг умумий хусусияти шундаки, ҳар иккисида ҳам комедияга хос енгиллик, кулгили ҳолатларнинг юзага келиш вазиятлари охиригача очилмай қолган. Спектакллардаги кулги характерларнинг ишланиши туфайли эмас, балки актёрларнинг томошабинга кўрсатаётган қилиқлари асосида юзага чиқади.

Ёш режиссёрларнинг асар танлаш масаласи хусусида шуни айтиш керакки, яхши саҳна асарини топа билиш, унинг театр жамоаси имкониятлари ва интилишларига, замон талабларига жавоб бера олишига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Иккиламчи, саҳнада янгилик қиламан, деб турли услубий йўналишларни қориштириб саҳнага олиб чиқиш у қадар ўзини оқламайди. Ижодкорнинг вазифаси барча услубий йўналишларни бир спектаклда жамлаш эмас, балки томошабинга айтадиган гапи, фикрини етказиб беришда. Учинчидан, спектаклни безаш, саҳна либоси, пардоз, мусиқа танлаш каби компонентлар спектаклнинг бадиий савиясини белгилашда муҳим омилдир.

Театрларимизга олий маълумотли ёш актёрларнинг бориши, муқим ижод қилиши учун ҳам ижодий, ҳам ижтимоий имконият яратиш — замон талаби. Афсуски, профессионал театр саҳналари санъат йўналишидаги коллежларда таълим олган ҳаваскор актёрлар ҳисобига тўлдирилмоқда. Иқтидорли, малакали актёрлар бўлмас экан, режиссёрларимиздан етук, театр мухлислари кутган саҳна асарларини талаб қилиш муаммолигича қолавериши мумкин.

**Сарвиноз ҚОДИРОВА,**
**санъатшунослик фанлари доктори**

# МУСИҚА ЖОНДАН ЯРАЛАДИ

Учрашув

*Бухоро — дунёнинг энг кўҳна ва кўҳлик манзили. Унинг йўли бобо тарихдан, тили оҳанрабо куй, юраги эса заррин қуёшдан яралган. Бу шаҳар жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган улуғлар бешигини тебратган. Биргина мусиқа оламига кўз ташласак, бу заминда мазкур соҳанинг кўпгина билимдонлари яшаб ўтганини кўрамиз. Жумладан,IX аср бошида Бухорода туғилиб вояга етган Абу Ҳафс Суғдий ўз даврининг йирик мусиқашуноси, шоир ва луғатшуноси саналган, мусиқий рисолалар ва "Шоҳруд" деб аталган ажойиб созни яратган. Етук мусиқашунос Тоҳир Абутаййибий (IX — X) Арасту, Афлотун, Никомах, Батлимус, Пифагор каби юнон донишмандларининг мусиқага оид асарларига шарҳлар ёзиб, баъзиларини араб тилига таржима қилган. Унинг "Қўшиқларга доир китоб"ида исломгача бўлган тарона ва оҳанглар ҳақида маълумотлар келтирилади. Бухоро мусиқа тарихи саҳифаларида муқим ўрин тутган Алибек Танбурий, Абулаббос Бахтиёр, Абу Наср Мутриб, Камол Бухорий, ҳофиз Мирак Бухорий, Аҳмад Ғижжакий, Нажмиддин Кавкабий, Муҳаммад Муъин, Маҳмуд Сеторий, Мавлоно Мирхатиб, Мирак Чангий Бухорий, Мирзоҳусайн Танбурий, Дарвешали Чангий каби юзлаб овозаси машҳур мусиқачилар, созандалар қолдириб кетган ўлмас мерос чашмаларидан бугунги ва келгуси авлод нафақат баҳраманд бўлмоғи, балки тадқиқ этмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.*

*Бастакорлар уюшмаси аъзоси, моҳир созанда ва мураббий, маҳоратли дирижёр Ҳикмат Ражабов билан суҳбатимизда ҳам Бухоро мусиқа мактабининг кейинги асрларда, яқин йиллар ичида қанчалик такомиллашиб, бойиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.*

— Бухоро шаҳрига бир қадам бўлган Ширубадан қишлоғида оддий меҳнаткаш, мусиқага меҳр қўйган катта оилада вояга етдим, — дейди суҳбатдошим. — Мактабни битириб, Бухоро мусиқа билим юртида тажрибали мураббий, устоз Мўмин Ҳожиевдан биринчи мусиқа сабоқларини олдим. Кейин консерваторияда ўқидим. Устозлар ўгити, қўллаб-қувватлашидан руҳ олиб, ҳажман йирик, ижроси мураккаб халқ куйлари, бастакорлик асарларини академик ва анъанавий йўлда ижро этишга киришдим. Талабалик давримдаёқ Тошкент ва Гулистон шаҳар мусиқа билим юртларида миллий чолғулардан дарс беришим билим ва тажрибамнинг ошишига таъсир ўтказди.

*Олий мусиқа даргоҳини қашқар рубоби бўйича муваффақиятли тугаллаб, она шаҳрига қайтган Ҳикмат Ражабов иш фаолиятини Мухтор Ашрафий номидаги мусиқа билим юртида бошлади.*

— Мана, қирқ йилдирки, қашқар рубобидан айрилмайман. Унинг овоз пардалари, оҳанглари ҳам мафтункор, жарангдор. Бир соз ҳеч қачон иккинчисини такрорламайди, ўхшамайди. Шунинг учун ҳам ҳар бири ўзига хос бетакрор. Консерваториядаги устозим Василев ўз рубобини менга қолдириб кетишида ҳам ҳикмат кўраман. Бу — устоз меҳри, меҳнатларим самараси, энг муҳими, йўл кўрсаткич. Қанча ўрганганим сари мусиқа олами кенгайгандан кенгаймоқдаки, бу туйғу мени тинимсиз изланишга чорлайди. Буни бугунги кунда ўсиб-улғайиб келаётган етмишга яқин шогирдларим қуршовида ҳис этаман.

*Устоз — қўли гул боғбон. У ҳар бир ниҳолини юрак меҳри билан ўстириб, орзуларида ҳаволатиб, гуллаётганини кўрса, умрига умр қўшилади, йўли узаяди. Ҳикмат Ражабов ҳар бир талаба билан алоҳида шуғулланади. Ҳар кимнинг фақат ўзига хос дунёси ва истеъдоди бор. Устоз улардаги айнан ўша хислатни кўради. Ҳар бир дарсида куйни ўзи чалиб кўрсатади, қўшиқни ўзи куйлаб ўргатади.*

— Шогирдларимдан кўнглим тўқ, — дейди Ҳикмат ака. — Кўпчилиги нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ўтказилаётган танлов-кўрикларда бўй кўрсатиб, ўзбек халқ чолғулари, куйлари ва қўшиқларига янги ҳаёт бағишламоқдалар. Устозга бундан ортиқ бахтнинг кераги йўқ. Аввало, созингизни ҳурмат қилинг, бошингизга кўтариб юринг, овозингизни турли шамоллардан асранг, дейман ҳар бирига.

Ўзим мусиқа тарихига жуда қизиқаман. Айниқса, ўлмас "Шашмақом"га бутун умри, ижодини бағишлаган Юнус Ражабийдек аллома устозлар қаршисида ҳамиша таъзимдаман. Устозлар овозини қайта-қайта сел



бўлиб тинглайман, юрагимдан дарё бўлиб ўтади улар. Шундай бўлмаса, ўзбек миллий мусиқаси, халқ чолғу асбоблари оламига кириб бўлмайди. Мақомнинг буюклиги шундаки, у вужудингга, руҳингга қуйилади. У асрларни ўзининг нозик пардаларида, овозларида кўтариб ўтаётгандай.

*Етук бастакор ва моҳир созандалар сафидан ўрин олган Ҳикмат Ражабов серқирра санъаткор. У миллий созлар ва овоз, халқ чолғу оркестри учун қатор асарлар яратди. "Юлдузим" (Ж.Камол сўзи), "Хумо қушим" (Ш.Нурматов сўзи), "Хато қилишингни кутарлар" (А.Орипов сўзи), "Айтолмадим" (Ҳ.Худойбердиева сўзи), "Ўзбекистон ўзимники" (Ф.Афрўз сўзи), "Ватанга" (Н.Аминжонов сўзи), "Онажоним, қайдасиз?" (М.Саид Ҳасан қизи сўзи), "Ҳавзи кавсар қошида" (Р.Раҳмон сўзи), "Чорлов" (дуэт, С.Воҳидов сўзи), "Баҳор келиб" (З.Обидова сўзи), "Оппоқ капалак" (М.Саид Ҳасан қизи сўзи) сингари қўшиқлар Ўзбекистон радиоси олтин хазинасидан жой олган. "Тантана" (фортепиано учун), "Нодир" (дутор учун), "Дилафгор" (танбур учун), "Нафис" (қашқар рубоби учун), "Ажаб хаёл", "Фироқ", "Ҳайрат", "Юрак дарди", "Валс" каби халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзилган асарларининг ҳам тингловчилари кўп.*

*Ҳ.Ражабовнинг солист, хор ва оркестр учун басталаган "Ассалом, фестивал!" (Ю.Муқимов сўзи), "Бухором бор" (С.Воҳидов сўзи) сингари қўшиқлари ватанпарварлик руҳи, айни чоғда нафис пардалари билан ажралиб туради. Устоз ҳар бир чолғуни ва оркестр яхлитлигини яхши билади, яратган куйлари бир-бирини такрорламайди. Шунинг учун ҳам у маҳоратли дирижёр. Халқ чолғу оркестридаги ҳар бир соз жарангини нозик илғайди.*

— Оркестр — улкан дунё, — дейди бастакор. — Ҳар бир сознинг ўз ўрни бор. Улар бир-бирини тўлдирмас экан, оркестр янграмайди. Дирижёр чолғуларни мукаммал билиши, ижро эта олиши керак. Шунда гўзал асар дунёга келади. Нота — йўл кўрсаткич. Созанда унга жон бағишлайди. Чолғунинг чолғу эканлигини кўрсатадиган ҳам нота. Дирижёрнинг нафақат сеҳрли таёқчалари, бармоқлари, балки бутун вужуди, руҳи, кўзлари, юрагигача куй, оҳанг, сўз билан бирлашиб, қоришиб кетсагина, санъат яралади.

Бухоро вилоят мусиқали драма театрида бош дирижёр, М.Ашрафий номидаги санъат билим юртида раҳбар, вилоят маданият ва спорт бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали фаолият олиб борган Ҳикмат Ражабов айни пайтда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёридир. Ижод завқи билан умрининг олтмишинчи баҳорини қаршилаётган санъаткорнинг ўйлари сарбаланд, ниятлари истиқболли. У яратаётган ҳар бир асарида халқ орзу-ўйлари ва меҳри билан яшайди, ўстираётган ҳар бир ниҳоли — ёш авлодда баркамоллик, эртанги кун нафасини туяди.

**Ойгул СУЮНДИҚОВА**

# САНЪАТКОР ВА ПЕДАГОГ

Икки оғиз дил сўзи

***Театр санъатимизда аёл режиссёрлар бармоқ билан санарли. Агар режиссёрлик ниҳоятда катта куч-ғайрат, сабот, чидам талаб қилишини назарда тутсак, буни тушуниш қийин эмас. Айниқса, режиссёрликнинг актёрлик, руҳшунослик, файласуфлик, шунингдек, театр соҳасининг бошқа компонентлари билан бевосита боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак, бу касбнинг мураккабликлари янада яққол намоён бўлади.***

***Мунаввара Абдуллаева ана шундай залворли юкни елкасига олган театр санъати фидойиларидан бири. Унинг ижод йўлини кузатиб, қатъийлиги, тиниб-тинчимаслиги, ғайратига қойил қолади одам. Эҳтимол, ана шу хислатлари туфайли ҳам бугун санъатнинг уч йўналиши — режиссура, актёрлик ва педагогликда ҳормай-толмай ижод қилмоқда.***



**М. АБДУЛЛАЕВА (ўнгдан биринчи) шогирдлари даврасида.**

Санъат институтининг актёр-режиссёрлар бўлимида ўқиган М.Абдуллаева илк актёрлик иқтидорини учинчи курсда Абдулла Қаҳҳорнинг "Муҳаббат" ҳикояси асосида яратилган диплом спектаклида Марғуба образи орқали намоён этди. Кейинчалик Сирдарё вилоят театридаги фаолияти давомида Ҳожи она ("Бой ила хизматчи"), Малика Шарқа ("Она юраги"), Зоя ("Тунги ҳикоя") каби турли характердаги образларни яратди. Кинода ҳам М.Абдуллаева шу вақтга қадар кўплаб образлар яратиб келмоқда. "Оқ бино оқшомлари", "Қалдирғоч", "Кичкина табиб", "Ватан", "Ўйин", "Аёл зоти" филмларидаги оналар, Хайринисо, Чиннигул каби образлари бунинг далилидир.

Ижодкорнинг таниқли актёр ва режиссёр Турғун Азизов билан ҳамкорликда саҳнага қўйган "Мирзо Улуғбек", "Алишер Навоий", "Меҳробдан чаён", "Машраб", "Чимилдиқ", ўзи саҳналаштирган "Қирмизи олма", "Андишали келинчак", "Чегарадаги уй", "Дадажон, демайман", "Аяжонларим", "Тобутдан товуш", "Бевалар" спектакллари томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Мана шу спектакллар Мунаввара опанинг режиссёр сифатидаги истеъдодини тўла намоён этиб, бугун таниқли ижодкорлар сафидан ўрин олишига хизмат қилди.

Энг муҳими шундаки, М.Абдуллаеванинг актёрлик ва режиссёрлик соҳасида қўлга киритган ютуқлари унинг педагог сифатида эътироф этилишида катта рол ўйнади. Зеро, санъат соҳаси педагоги сифатида Мунаввара опага бошқа устозлар ҳавас қилса арзийди. Чунки у фақат назариётчи эмас, катта амалиёт мактабини ўтаган ва ҳозир ҳам ўтаётган тажрибали устоздир. Талабаларга дарс ўтаётганда, актёр ва режиссёр сифатида бошдан кечирганлари, қувончу машаққатлари, кўп йиллик тажрибаси ниҳоятда қўл келади.

Бугун Мунаввара опанинг шогирдлари турли театр даргоҳларида фаолият кўрсатяпти. Улар орасида хизмат кўрсатган актёрлар, таниқли ижодкорлар кўп. Кенжа шогирдларидан бири, театр ҳамда кино актрисаси Дилноза Кубаева устози ҳақида шундай деди: "Менга Мунаввара опадек санъаткор курсида ўқиш насиб қилганидан жуда хурсандман. У киши зукко, билимдон, маҳоратли устоз бўлиш билан бирга, яхши инсон, фидойи, меҳнаткаш, оқила аёл сифатида биз шогирдларга ҳамиша ўрнак бўлиб келяпти. Айниқса, опанинг қаттиққўлликлари бизга ҳаётда ҳам, ижодда ҳам катта ёрдам беради. Бугун бирон ютуққа эришган бўлсам бунда, шубҳасиз, устозимнинг хизматлари катта".

"Мунаввара опадан нафақат ўзим, рафиқам Ферузахон ва фарзандларим ҳам миннатдормиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Ҳолмедов. — Озми-кўпми элга танилишимизда, концерт дастурларимизнинг муваффақиятли ўтишида опанинг хизмати катта".

Айтиш жоизки, М.Абдуллаеванинг шогирдлари орасида унинг педагоглик йўлидан кетаётганлар ҳам оз эмас. Замира Аҳмедова, Моҳигул Ҳамроева, Дилмурод Рўзиқулов, Аваз Қодиров, Шамсиддин Усмоновлар шулар жумласидандир. Бугун улар умидли санъат ниҳолларининг келажакда миллий санъатимиз намояндалари бўлиб етишишлари учун ғамхўрлик қиляптилар.

**Махсума ҲОЖИМАТОВА**

# ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ



**Боғда булбул сайрайди, чаман ичра,**
**Шом бўлганга ўхшайди, чаман ичра...**

Эътироф

Ўзбекистон халқ артисти Халима Носирова ижросида янграган бу қўшиқ ҳали-ҳануз кўнгилларни шод этиб келади. Парда очилиб эгнида атлас кўйлак, бошида ироқи дўппи, сочларини иккита қилиб ўриб қўйган хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова ана шу қўшиқ ижроси билан мухлислар ҳузурига чиқади.

Саҳна билан ижрочи ва томошабин ўртасида биз билмаган ва кўз илғамайдиган боғлиқлик бор. Баъзилар саҳнага шундай сингиб кетишади, баъзилар ҳар қанча ҳаракат қилмасин, хатти-ҳаракатларида носамимийлик, зўрма-зўракилик сезилади. Хонанда Ҳосила Раҳимова шу куни саҳнани ўзиники қилиб куйлади, ҳар бир қўшиғи орқали гўёки ўзининг санъаткор қалбини намоён этди.

Дастур давомида хонанда куйлаган «Кечиргайму?», «Ўзингиздан», «Муҳаббатимсиз», «Аёл» каби қўшиқларни томошабинлар диққат билан тинглади. Дастурнинг бошидан то охиригача мухлис билан хонанда ўртасида бир-бирини англаш риштаси борлиги сезилиб турди. Дастурнинг иккинчи қисмида хонанда мумтоз қўшиқлардан «Самарқанд ушшоғи» ҳамда «Мустаҳзод»ни жонли овозда ижро этди. Хонанданинг мақом қўшиқларига хос залворли либоси, бошидаги дурраси унга янада кўрк бағишлади.

Учинчи қисмда эса фолклор йўналишидаги «Сурхоним», «Була», «Кураш», «Қуралай», «Ўтов», «Алпомиш», «Кўпкари» каби қўшиқлари билан бетакрор истеъдод соҳибаси бутун залнинг рақсга чорлади. Ўзбекнинг полвон ва мард ўғлонларини мадҳ этувчи бу каби қўшиқлар ҳар бир томошабин кўнглида ғурурни, шижоат ва мардликни уйғотди, десак муболаға бўлмайди.

Хонанда дастурнинг тўртинчи қисмида эстрада йўналишидаги қўшиқлар гулдастасини тақдим этди.

Умуман, Ҳ.Раҳимованинг репертуар дастурида ўзбек ўғлонининг мардлиги, ор-номуси, ўзбек қизининг латофати, инсонларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати бош мавзу қилиб олинган. Аёл хонандалар орасида полвонларни мадҳ этиб куйлаган ҳам Ҳосила Раҳимовадир. Кези келганда хонанданинг ижро маҳорати юксалишида устози, Ўзбекистон халқ артисти Оролмирзо Сафаровнинг хизмати катталигини айтиш лозим.

«Ҳар ўланда юрт мадҳи» дастурида куйланган қўшиқлар хонанданинг она-Ватанига, мухлисларига чексиз меҳр-муҳаббати изҳори бўлиб янгради.

**Матлуба ТЕМУР қизи**

Бугун — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

# ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИ НАМОЙИШИ

Илм-фан ва маданиятнинг мусулмон оламида гуркираб ривожланиши Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ. Соҳибқирон ҳазратлари Марказий Осиёда илмий ва адабий фаолият учун қулай шароит яратганлиги туфайли кўплаб олимлар бу ерда хотиржам яшаб, баракали ижод қилдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган «Темурийлар даври ренессанси» кўргазмаси Амир Темур ва Темурийларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини, аждодларимиз томонидан яратилган ноёб дурдоналарнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб беради ва ўз навбатида ёш авлодни тарихимизга, аждодларимиз меросига юксак ҳурмат, эътибор руҳида тарбиялайди, уларда миллий ифтихор, миллий ғурур ғояларини шакллантиради.

Кўргазма Амир Темур ва Темурийлар даврида меъморчилик, бадиий ҳунармандчилик, китобат санъати, мусиқа санъати ва ўша давр тангалари, Амир Темурнинг ҳарбий санъати каби қисмлардан иборат.

Кўргазманинг Амир Темур даври меъморчилигига бағишланган қисмидан жой олган макетлар, иморат қопламалари, кошин парчалари, суратлар машҳур усталар яратган меъморий мўъжизалар ҳақида маълумот беради.

Темурийлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бадиий ҳунармандчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу даврда кулоллик, металга бадиий ишлов бериш санъати, жумладан, олтин, кумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идишлар, мисдан тайёрланган уй-рўзғор жиҳозлари, қурол, ҳарбий анжомлар, турли заргарлик зийнатлари ишлаб чиқариш, ёғоч, суяк, шиша, мармар, нефрит, ақиқ билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари ниҳоятда ривож топди. Кўргазманинг бадиий ҳунармандчиликка доир қисмида унинг турлари, ҳунарманд усталар томонидан яратилган гўзал намуналар ҳақида маълумот берилади. Кулолчилик, мисгарлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги намуналари аждодларимиз ноёб санъат дурдоналарини яратганидан далолатдир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг энг яхши усталарни танлагани ва Самарқандга йиғиш юзасидан изчил сиёсати туфайли Мовароуннаҳрда Шарқнинг энг яхши китобат усталарининг маҳорати намоён бўлган. XIV асрнинг сўнгги чорагида Амир Темур томонидан Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли вилоятларидан таклиф этилган энг яхши хаттотлар, миниатюра санъати усталари Самарқандда жойлаштирилган. Темурийлар даври бадиий қўлёзмасининг энг юксак намуналари Самарқанд, Бухоро, Табриз, Машҳад ва бошқа шаҳарларда яратилган.

"Темурийлар даври китобати санъати" қисмида бу санъат ривожи XIV — XV асрларга оид қўлёзма китоблар, миниатюра, нақш билан безатилган китобларнинг нусхалари, рангли суратлар орқали очиб берилади.

Мусиқа санъатига бағишланган қисмдан жой олган темурийлар даврида кенг тарқалган — уд, танбур, най, чанг, ғижжак каби мусиқа асбобларининг нусхалари, созандалар акс эттирилган миниатюралар ўша давр санъати билан томошабинни атрофлича таништиради.

Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида хонанда ва созандалар расмий дипломатик, ҳарбий ва бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланган. Бу даврда мусиқа илмига бағишланган кўплаб илмий асарлар яратилди, машҳур созандалар, қўшиқчилар, рақќослар ижод қилди. Мусиқа санъати тараққий этиш билан бирга, мусиқа асбоблари ҳам такомиллашиб борди. Хусусан, уд мусиқа асбоби дастлаб тўрт торли бўлса, Темурийлар даврига келиб унинг 10-12 торли турлари юзага келган. Томошабин мусиқа санъати билан танишиб, 12 мақомдан намуналар эшитиб завқ олади.

Кўргазмадан ўша даврда зарб қилинган тангалар — Амир Темурнинг Суюрғотмиш ва Султон Маҳмуд номидан зарб қилган кумуш, фулус, мири тангалари, Темурий ҳукмдорлардан Шоҳрух, Улуғбек, Султон Аҳмад, Бойсунғур, Султон Ҳусайн Бойқаро тангалари, пул-товар муносабатининг рассом нигоҳидаги тасвири, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб зарб қилинган танга пуллар ҳам жой олган.

Амир Темур қўшинининг жойлашиш схемаси, қурол-аслаҳалардан намуналар (дубулға, болта, камон, найза, қалқон, қилич), ўша даврдаги аскарларнинг кийимини акс эттирувчи суратлар кўргазманинг «Амир Темурнинг ҳарбий санъати» қисмида намойиш этилмоқда.

**С. САИДХОНОВА,**
**музей директори ўринбосари**

# ТИКОНЛИ ХУШБЎЙ АТИРГУЛ

"ШЧ" китоб жавони

Турсунбой Адашбоев — таниқли болалар шоири. Айни чоғда табиатан қувноқ, ҳазилмутойибага мойил бу инсон камёб пародия жанри ҳадисини олганлардан. Ҳозир бизда бу жанрда асосан Турсунбой Адашбоев, Абдураззоқ Обрўй қалам тебратади. «Шарқ»имиз барака топсин, шу йил бошида шоирнинг қирқдан ортиқ пародиялари, ҳазил шеърларини бир китобчага жамлаб нашр этиб, хўп яхши иш қилди-да.



Тўпламга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик «Атиргул» номли бошсўз, шоир, публицист Носир Муҳаммад «Пародия устасига эътироф» номли сўнгсўз ёзишган. Сўзбошидан айрим сатрлар: «Пародия деганда биз бир шоирнинг шеъридан икки ёки тўрт сатр олиб, уни ҳазил тариқасида давом эттиришни тушунамиз... Турсунбой аканинг пародияларида ёмон ният йўқ, кимнидир айблаш, камчилигини ошкор қилиш ҳам йўқ... Пародия ёзадиган шоирнинг ўзи назм оламининг юксак талабларига жавоб бера олиши шарт. Ўзи саёз шеър ёзгани ҳолда бировдан кулиш «Иштони йўқ, тиззаси йиртиққа кулибди», деган мақолни эслатади».

Адиб фикри асносида пародияни атиргулга ўхшатади. Гулшандаги ҳидсиз гуллардан кўра, тикони бўлса ҳам атиргул яхши, дейди. Дарҳақиқат, Адашбоев қайси шоир, қайси ҳамкасбининг мисраларини «ижара»га олса, аввало, бу шоирнинг ёзиш йўсини, тили, услубини адашмай ўрганганлиги, ўзлаштирганига ишонч ҳосил қиласиз, кейин пародияни унинг услубига, қофияларига мослаб ёзади, охирида нозик ҳазил, қочирим, баъзан нордонроқ гап қилади.

Пародиячи Тўра Сулаймоннинг «Гўзалликка ишора, Бўстонга ошиқлигим» мисралари билан тугалланадиган тўрт сатрини келтиради-да, тақлидини устози йўсинида давом эттириб «Термаларга ишора, Достонга ошиқлигим. Халқ йўлида шеър ёзиш, Ялама қошиқлигим» сатрлари билан якунлайди. «Ялама қошиқлигим» — нозик қочирим.

Пародиялар салкам қирқ йил ичида ёзилган, баъзи шоирлар ўтиб кетишган(жойлари жаннатда бўлсин). Уларнинг хотирасини ёдлаш, ижодини эслаш маъносида ҳам Т.Адашбоев битиклари аҳамиятлидир.

Шоир шунчаки қофиялар тизмасидан иборат, чучмал маъноли шеърларга қарши. Р.Бекниёз, Қ.Мирзо, У.Темур, Б.Бобомурод, Г.Шахобиддин, Ҳ.Норқул, З.Раҳмонова, С.Жаббор шеърларидан олинган парчаларга «басталаган» тақлидлар фикримиз далилидир.

Барот Исроилнинг «Куни бўйи вокзалда қолдим, Йўловчилар ичра йўқолдим» сатрларини ўқиб «Устоз Ҳамид Олимжон ёзган Шеърни эслаб ер чизиб қолдим», деса, «Бегона дўппи» пародиясида О. Холдор ва Н. Абдусаломнинг дўппи ҳақидаги мавзуси, маъноси бир-бирига яқин тўртликларини келтириб, Нусрат Абдусалом тилидан тўқиган тақлидини «Чустлик чевар қизни ўйлаб ўтириб, Ғурур оғушида ийиб кетибман. Олимжон Холдорнинг эски дўпписин, Билмасдан камина кийиб кетибман», дея тугатади.

Дўппи, қийиқ, тўн ҳақида кўп ёзишган, кўплар ёзишган. Бу ерда рўй-рост кўчирмачилик ҳақида гап кетаётгани йўқ, фақат шоирларга ҳамкасбларнинг шеърларидан ҳам хабардор бўлиб туриш зарар қилмайди, деган нозик шаъма бор.

Таниқли олим қирқ йил ўқиб Навоийни тушида кўрганини шеърга солади. Олим минг юкуниб, ризолик сўраганида, Ҳазрат «Насрингку сал маром топибди, назминг — палапартишроқ», дейди. Пародияда шеърнинг, чиндан ҳам тумтароқлиги, айни чоғда, ўзини реклама қилишга сал мойиллик борлигига ишора қилинади. Бошқа бир таниқли шоирдан, мисрасидан келиб чиқиб, «ойни ошаб» қўймасликни, қаро туннинг тақдирини юлдузларга ташлаб қўймасликни илтимос қилади.

Мазмуни ҳаминқадар тизмаларга дуч келганда шоирнинг ростакам жаҳли чиқиб кетади, пародиясини «Тузук-қуруқ шеър ёзгани Сизу бизда бош қолдими?»(«Гўзал, қалам қошларга»), «Бундай шеърлар ёзиш учун Калланинг ҳеч кераги йўқ»(«Оқ тераклнинг қисмати»), «Тўртлик эса аслида — Рубоийнинг жияни — Ўз ўрнида ишлатинг, Дўстим, қозон куяни..."(«Фалончимас, сиз учун...») каби зардалироқ мисралар билан тугатади.

«Нарвон ҳангомаси», «Отабекнинг изидан...», «Ўлимларни қолдириб доғда...», «Мўйлабини бураб турар» шеърларида шоир, адиб, мунаққидлардан Қудрат Ҳикмат, Ҳабиб Саъдулла, Дадахон Нурий, Қозоқбой Йўлдош шахсияти, ижодига хос хислатлар нозик деталлар орқали ҳазил оҳангида берилган.

Турсуной Адашбоев шеъриятни, айниқса, болалар шеъриятини синчиклаб кузатиб боради. Ялпиз, данак ҳақида ким қандай ёзишига бағишланган туркум пародиялари бунинг далили. Данак ҳақида Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Толиб Йўлдош, Ҳамидулла Ёқубов, Миразиз Аъзам, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Обид Расул, Одил Абдураҳмон, Рауф Толиб, Султон Жаббор, Ҳабиб Раҳмат бўлиб, худди ўзларидек қилиб тўртликлар битади, охирида «Мен шундай ёзардим», дея ўзига пародия бағишлайди. Лекин ялпиз ҳақида Садриддин Салимов, Хуршид Даврон, Тилак Жўра, Шукур Қурбон, Усмон Азим, Мирпўлат Мирзо, Муҳаммад Раҳмон, Шавкат Раҳмонга тақлид қилиб ёзган ўн икки, саккиз мисрали шеърлари, гарчи шоирлар услубига хос бир-икки деталлар топилган бўлса-да, назаримизда, унчалик чиқмаган.

«Эндигина адабиётга кириб келаётган камина ҳам у кишининг «эътибор»ларига сазовор бўлдик», дея ёзади «Пародиялар устасига эътироф» мақоласида Носир Муҳаммад. 1967 йили «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «ЎзАС») газетасида унинг сафар таассуроти асосида ёзилган «Копетдоғда бир оҳу кўрдим...» шеъри босилади. Ўша саҳифада раҳматли Шамси Одилнинг «Оҳу кўрдим мен Водилда» деб бошланадиган шеъри ҳам берилган экан. Кўп ўтмай «Шарқ юлдузи» журналида Т. Адашбоевнинг қуйидаги пародияси эълон қилинади:

**Ўша оҳу Ўшга келиб,**
**Тушга қадар юрди боғда.**
**У Водилга ўтмай туриб,**
**Бўлган экан Копетдоғда.**
**Сўнг Помирга қараб кетди,**
**Шеър ёзолмай қолдик доғда.**
**Ҳозир ўтлаб юрса керак**
**Термиз ёки Яккабоғда...**

— Носир Муҳаммадга тан бердим, — дейди Турсунбой Адашбоев. — Кўнглига олиш ўрнига, таништирганимдан хурсанд бўлибди, камина ҳақида илиқ мақола ҳам ёзибди. Ҳолбуки, гинахонлик қилиб юрганлар ҳам бор. Аслида шоирларимиз «Нима, арпангизни хом ўрганмидик, бизни пародия қилмайсиз», дейишса арзийди. Ҳазилни кўтариш учун ҳам жиндак мардлик, бағрикенглик, юмор ҳиссига эга бўлмоқ керак. Таниқли юморист Аркадий Аркановнинг уч йил муқаддам телевизорда айтган бир гапи ёдимда муҳрланиб қолган: ўтган йили 107 ёшида вафот этган машҳур карикатурачи рассом Борис Ефимов адибга қўнғироқ қилиб, «Яқинда 105 ёшимни нишонламоқчиман, сизни, ҳурмат қилганим боис, базмга таклиф этмоқчиман, — дейди ва ҳазиломуз: – Илтимос, фақат унгача кетиб-нетиб қолмай, яшаб турсангиз", дея қўшиб қўяди. Олтмишдан ошган ҳажвчи адиб буни кулиб, рассомга меҳри товланиб айтиб берди. Мана, ҳазилни тушуниш намунаси.

**Сайди УМИРОВ**

Дунё — кенг...

# ҒОЙИБНИ "КЎРУВЧИ" КЎЗЛАР

## Ҳаёт — мўъжизалар биомайдоними?

Ўттиз уч ёшли Людмила Зубкова клиник ўлим ҳолатига тушди. Шу воқеалардан сўнг унда оддий одамлар кўра олмайдиган турли ҳолатларни кўриш қобилияти пайдо бўлди. Бир мунча вақт аввал рўй берган ёки айни дамда олисда бўлаётган воқеаларни тафаккур ойнасида кўриш истеъдодига эга бўлганини у тасодифан сезиб қолади. Бу воқеа Саратовда давлат стандарт идорасида назоратчи бўлиб ишлаб юрган кезлари рўй беради. Хизмат юзасидан чекка қишлоқлардан биридаги сотувчи билан суҳбатлашаётганда Людмила Анатольевна сотувчининг қандайдир бесаранжом ва паришон ҳолдалигидан таажжубга тушади. Маълум бўлишича, сотувчи паспорти, уй ва машина ҳужжатлари солинган папкасини йўқотиб қўйган экан. Бу гапларни ташвишга тушиб сўзлаб бераётганида Людмила Анатольевнага сотувчининг боши узра омбордаги тахмонда турган эски жигарранг жомадон кўринади. Людмила сотувчига омборга бориб, ўша жигарранг жомадонни ахтариб кўришни маслаҳат беради. Орадан ярим соатча вақт ўтиб, телефон гўшагидан сотувчининг хурсанд овози эшитилади:

— Ҳужжатларим топилди. Сиз айтган жойда экан. Уни қандай қилиб билдингиз?..

Шу воқеадан сўнг қишлоққа иккинчи бор келганида Людмила Анатольевнанинг атрофи нарсаларини йўқотган кишилар билан тўлиб кетди. Кекса бир аёл кўзда ёш билан дардини тўкиб солди. Куёви квартирасини сотиб пулини сақлаш учун унга ишониб топширган экан. Кампир ҳеч ким кўрмасин, дея бекитиб қўйган жойини хаёлидан фаромуш қилибди. Ғойибдан кўра олиш истеъдоди пайдо бўлганига ишонган Людмила ундан: "Уйингизда Николай Угодник иконаси борми?", дея сўради. "Бор!", деди ҳайрати ошиб кампир. "Ўша икона тагида помидорга ўхшаган қизил рангли нимадир борми?". "Ҳа, у бизнинг конфет соладиган идишимиз. Эсим қурсин, шу идишга солиб қўювдим куёвимнинг пулини", дея кампир шошганча уйига югуради.

Саратовда маньяк пайдо бўлганини эшитгач, Людмила Анатольевна тинчини йўқотди. Уни қидириб топишда тергов идораларига ёрдам беришни виждоний бурч, деб билди. Людмила криминал жиноятларни текширувчи прокурор Комлевга учраб, тағин "ақлдан озган аёл", дея ўйламасин, деган хаёлда ўзи ҳақида маҳаллий газетада чоп этилган мақолани кўрсатди. Унга ишонқирамай турган Юрий Валерьевич жиноятчини топишга доир ноанъанавий усулни синаб кўришга рози бўлди. Ғойибдан кўрувчи аёлнинг илтимосига кўра, маньяк қурбони бўлган, аммо кимлиги аниқланмаган аёлнинг шахсий буюмларини тақдим қилди. Улар ичида қонга беланган қўл соати ҳам бор эди. **Шу заҳотиёқ Людмила Зубкованинг кўз ўнгида пишириқлар, ювилмаган идиш-товоқлар тоғ бўлиб ётган жойдаги ориқдан келган мўғул башара аёл қиёфаси намоён бўлди.** "Умумий овқатланиш тармоғи", деган фикр онгида "ярқ" этди. Ўша аёлнинг жасади топилган ҳудудда фақат "Сокол" кафеси бор экан. Суриштиришганида кафенинг бир хизматчиси йўқолиб қолгани маълум бўлди. Аёл бошқа шаҳардан келиб ишлар, бу ерда ҳеч кими йўқ, шунинг учун унинг ишга чиқмаганидан ҳеч ким хавотирланмаган.

Энди текширувнинг навбатдаги босқичига ўтиш — қотилни излаб кўриш зарур эди. "Маньяк қурбонига айланган аёлнинг соати қонни ким тўкканини эслайди", деди ғойибдан кўрувчи Людмила Анатольевна. У соатга назар солиб, катта кўприк остидаги ҳужрани ва ҳужрадаги жиноятчини аниқ кўз олдига келтирди. Изтопарлар дарҳол ўша ҳужрага бориб қотилни қўлга туширишди.

Юрий Комлев "АиФ" мухбирига Л.Зубкованинг қотилни топишдаги амалий ёрдамини тасдиқлади:

— Ўлдириб кетилган аёлнинг кимлигини аниқлаш жуда қийин, мазкур ҳолатда эса бунга умид йўқ эди. Шунда Л.Зубкованинг қобилияти иш берди. Ҳозиргача унинг қандай қилиб қотил турган уйдан хабар топганини ақлимга сиғдира олмаяпман.

* * *

Людмила милиция полковниги В.Циганковнинг ҳузурига тағин бир маньякни қидириб топишда ёрдам кўрсатгани келганида, газетадаги мақолани ўқиб, полковник бу аёлнинг ғаройиб қобилиятига ишонмади. Шунда Людмила полковникнинг ўн етти ёшли қизи борлиги, у сузишга қизиқишини айтиб, гарчи қизни ҳеч қачон кўрмаган бўлса-да, қиёфаси ва қадди-қомматини тасвирлаб берди. Шундан сўнггина полковник Людмилага қизиқиш билан қаради. Людмила Анатольевна милиция ходимларини кўп қаватли уйнинг ертўласига бошлаб келди. Унинг ўткир кўзлари шу жойда қотил қурбони борлигини башорат этганди. Чиндан ҳам ертўла йўлагининг бир бурчагида занглаган темир тунука тагида маньяк зўрлаб, ўлдириб, яшириб қўйган олти ёшли ўғил боланинг жасади ётган экан. Экспертизанинг кўрсатишича, маньяк уни темир занжир билан бўғиб ўлдирган. Шу чоғ кутилмаганда ертўлага қўлида фонар кўтарган одам кириб келади. Қотил негадир жиноят содир этган жойига ўз-ўзидан бош суққиси келганди. Уни дарров қўлга олишади. Кийимларини, чўнтакларини ахтариб кўришганда юмшоқ жун белбоғи остидан икки учи ҳалқали ўша темир занжир топилади. Ғойибдан кўрувчининг қобилиятидан ҳайратга тушган полковник Циганков Людмила билан ҳамкорлик қилишни жуда кеч бошлаганидан афсусланади.

Бу аёлнинг ғаройиб қобилияти яна бир неча бор турли балоларга гирифтор бўлганларни топиш ва уларга ёрдам кўрсатишда қўл келди. Такси ҳайдовчи Василийнинг ўғли Алексей Хабаровск ўлкасида ҳарбий хизматда юрганида бедарак йўқолади. Василий Людмилага ўғлининг суратини кўрсатади. Аёлнинг кўз олдида ҳарбий қисм ёнидаги баланд қувурлар ёнида оғир бетоб ҳолда ётган Алексей намоён бўлади. Ота ҳарбий қисмга қўнғироқ қилади. Тўғри, қисм олдида баланд қувурлар бор экан, бироқ унинг атрофини ахтариб аскарни топишолмабди. Шунда Людмила Зубкова дугонаси Татьянага қўнғироқ қилади — у ғойибдан кўра олмаса-да, ҳар қандай олис масофадан ҳам "эшита" оларди. Татьяна аскарнинг атрофидаги одамлар хитойча сўзлашаётганини "эшитиб" қолади. Шундан сўнг аскарнинг отаси Узоқ Шарққа бориб, ўша жойни ахтаришга тушади. Маълум бўлишича, аскарни командирлари роса калтаклаб, бозор олдида тиланчилик қилишга мажбур этган эканлар. Аскар бунга кўнмай қочиб, хитойликлар орасига тушиб қолибди. Кунига бир ҳовуч гуруч эвазига ёлланиб ишлабди. Сўнг икки томонлама ўпка зотилжамига йўлиқибди. Хитойликлар унга қараб туришган экан. Бу пайт ҳарбий қисмда Алексей устидан қочоқ сифатида "иш" очишиб, жазо беришга тайёргарлик кўришаётганди. Аскарнинг отаси бўш келмай, ҳарбий қисмдаги кўз кўриб қулоқ эшитмаган адолатсизликлар ҳақида "ойнаи жаҳон" орқали маълум қилишини айттач, ҳарбий қисм мутасаддилари аскар йигитни бетоблиги учун тиббий комиссиядан ўтказиб ҳарбий хизматга яроқсиз, дея уйига жўнатишга рози бўлишади.

* * *

Ҳозир Людмила Анатольевна бошқа бир муаммода ўзининг қобилиятини синаб кўраётир. У туғмас аёлларнинг фарзанд кўришига ёрдам бериш умидида ҳаракат қилмоқда. Дастлабки натижалар унинг муаммони ҳал этишда ҳам имконияти борлигига умид уйғотмоқда.

**"АиФ"нинг 2010 йилги 10-сонидан.**

# Жавоб

Хажвия

Учқун Бўронович кўчага отланган маҳал хотини зорланди:

— Кун бўйи сўрайвериб одамни хуноб қилиб юборишади. Жилла қуриса, қўлидаги рақамини айтинг, деб қисташгани қисташган... Энди қўл телефони олмасангиз бўлмайди чоғи...

— Кейин нима бўлишини биласанми? — зардалироқ оҳангда чиқди эрининг овози. — Бўлар-бўлмасга чақираверib, бемалол ишлашга қўйишмайди. Икки-уч жойда ишлашдан ташқари, қанча таҳририят билан "Меҳнат шартномаси" тузиб қўйганимни биласан-ку...

— Хўп, бугун сўраганларга нима дейин?

— Факултетдан сўрасалар, бошқармадан чақириб қолишди, дегин, хўпми?

Хотини, тўхтанг, дея ичкаридан дафтар билан қалам олиб чиқди-да бош ирғади:

— Ёзиб қўймасам, адашиб кетяпман. Хўш, бошқармадан сўраб қолишса?

— Вазирликдаман.

— Вазирликдан сўрашса?

— Халқаро анжуманга таклиф қилишганди, де.

— Бу ердан ҳам топа олмаяпмиз, деб қолишса-чи?

— Таҳририятдаман.

— Қайси бирида?

— Журналлар жойлашган соатли бинода.

— Бу ерда йўқ экан, дейишса?

— Газеталар биносида, де.

— Бу ёқларни ҳам қараб чиқдик, дейишса-чи?

— Нашриётдаман.

— Нашриётдан ҳам тополмадик, дейишса?

— Уюшмадаман.

— Уюшмадан сўрашса?

— Миллий матбуот марказида.

— Марказда ҳам қораси кўринмаяпти, дейишса?

— Интернет клубида.

— Интернет орқали ҳам тополмаяпмиз, дейишса-чи?

— Ахборот хизматидаман.

— У ердан ҳар куни камида тўрт-беш марта сўрашади,– деди хотинининг қути учиб.– Бугун нима дейин?

— Тоби қочиб қолди, шифохонага кетди, де. Сўнгги гапни айтганда Учқун Бўронович ўзига-ўзи ғўлдираб қўйди: Худо кўрсатмасин...".

— Қайси шифохонада эканини айтинг, кўргани борамиз, дейишса?

— Дўхтирлар тузата олмаганди, ноилож табибга кетган, деявер.

— Табиб оғайнингиз сўраб қолса-чи? — афти бужмайди ожизанинг. — У ҳам сўрагани сўраган...

— Ўзи сизга қўнғироқ қилар экан, де, — Учқун Бўронович ўзининг гапига ўзи кулиб қўйди. — Ҳаёт деганлари театр саҳнасининг ўзгинаси. Қара, ҳозирги ҳолатим худди Эргаш Каримовнинг интермедиясига ўхшаб кетяпти-я! Унга ўртоқлари "сен билан кеча кутубхонада эдик", "иккимиз фалончини кўргани боргандик" деган қабилда ҳадеб тўқиб-бичавергач, ахийри у "мен бу ерда ҳам йўқман!" деб қичқириб юборади, ҳи-ҳи-ҳи...

Эри атай кулдириш учун айтган бу гапга ожиза ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади. Аксинча, рангги-қути ўчганча дилидагини тилига чиқарди:

— Хўп, қаерга боришингизни лоақал ўзим билсам бўладими?

— Мутлақо!

— Нега? — қошлари чимирилди уй бекасининг. — Мендан нега яширасиз?

— Гаплашганда оғзингдан лоп этиб чиқиб кетишидан қўрқаман, — деганча ўзи лип этиб остонага чиққан уддабурон эрининг қолган гаплари "шеърий" усулда бўлди:

**Мен оқимга қараб оқсам бўлдими!**
**Болажонларга ҳам ёқсам бўлдими!**
**Бўйнимга маржонлар тақсам бўлдими!**
**Ҳеч кимдан кам қилмай боқсам бўлдими!**

. . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

У шунақа қофиясини келтириб яна бирор сатр айтганча учқундек учиб кетди...

Сочига қиров қўниб ҳам қуюлмаган эрининг сўнгги сатрларидан дув қизарган хотини бугунги жавоблар рўйхатига қайта-қайта кўз югуртираркан, ўша қўнғироқ қиладиганларнинг ҳолини ўзича тасаввур қилганча "қаҳ-қаҳ"лаб кулиб юборди.

**Тўлқин ЭШБЕК**

Ўзим ўқийман



## Баҳор ташувчи қушлар

**Уфқларда кўринди**
**Турналарнинг парвози.**
**Эшитилар ёқимли**
**«Қур-қур»лаган овози.**

**Улар — баҳор элчиси,**
**Файзга тўлар кенг осмон.**
**Кўзим қувнаб,**
**дил айраб,**
**қичқираман шод-хандон:**
**— Бироз тўхтаб, дам олинг!**
**— Дам олишга вақт борми,**
**Қурр-ей,**
**ўзга элга ҳам,**
**етказайлик баҳорни!**

## Бинафша

**Банафшахон, эрка гул,**
**Атир-ислар сўзингми?**
**Мовий кўкдан узмайсан**
**митти мовий кўзингни.**
**Таровату**
**ҳуснингни**
**сира бузгим келмади,**
**Тўйиб ҳидлаб ўтдим-у,**
**Аммо узгим келмади.**

## Чучмома

**Майсазорлар бағрида**
**Кўринади бўйларинг.**
**Қаддинг хиёл эгилган,**
**Сен нимани ўйладинг?**
**Ўйлама,**
**ўт-ўланлар,**
**кўркингни тўсолмас ҳеч,**
**Бошингни баланд кўтар,**
**Сендайин ўсолмас ҳеч.**

## Қизғалдоқ



**Кенг қирларни яшнатиб,**
**Қизил гулим, очилдинг,**
**«Қилт» этган шамолга,**
**Эҳ,**
**Тўкилдинг-да,**
**Сочилдинг,**
**Асраш учун ўзингни**
**Жоним, қурбинг етмади,**
**Қувон,**
**кўзни қувнатдинг**
**умринг бекор кетмади.**

**Ҳабиб РАҲМАТ**

# ЙИҚИЛИШНИ БИЛМАГАН ПОЛВОН

Қайдлар

*Йигирманчи асрнинг эллигинчи йиллари охирида адабиёт ўқитувчимиз Яҳё Сулаймон пахта терими пайтида бизларга "Ўткан кунлар" романи мазмунини кимлардандир ҳадиксираб, ёддан айтиб берганлар. Шундан кейин бу улкан асарни неча марта ўқиб чиққанимни аниқ билмайман, чунки ҳисобламаганман.*

*Аммо шуни айта оламанки, бу китобни ҳар гал ўқиганимда ўзимни худди тиниқ сувга шўнғиб, покланиб чиққандек, ўзим билмаган янги муаллиф билан учрашгандек ҳис этаман, ўзимни ўзим тафтиш қила бошлайман.*

*Яқинда бир файласуф қадрдоним — кекса китобхонга бу тўғрида айтган эдим, у шундай фикрларни билдирди: "Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"да биз инсонларнинг умумий тимсолини яратган. Уни яна бир бор қўлга олинг, лекин бу гал диққат билан ўқинг, яъни мутолаа этинг. Шундай қилсангиз, унинг саҳифаларида менинг ҳам, ўзингизнинг ҳам тасвирингизни кўрасиз".*

* * *

Олимликка орзуманд ёш тадқиқотчи илмий фаолияти бошиданоқ фанда ечимини кутаётган йирик муаммони ҳал этишни ўзига мақсад қилиб олмас экан, бошқалар томонидан аллақачонлар ҳал қилинган майда масалалар ечимларини текшириш, нари борса, такомиллаштириш билан овора бўлиб юраверади. Табиийки, илм оламида унинг салмоқли сўзи ҳам, салмоқли ўрни ҳам бўлмайди.

* * *

Илмий муассасанинг бюрократлашган илмий раҳбари бошқа исталган ташкилотнинг бюрократлашган раҳбаридан хатарлироқ: иккинчиси бир жамоага зиён етказса, биринчиси — жамият тараққиётига зиён етказади.

* * *

Улкан илмий кашфиётларнинг кучи шундаки, улар сирли деб ҳисобланиб келинаётган кўпгина нарса ва ҳодисаларни юзага чиқаради ёхуд биз учун тушунарли қилади.

* * *

Ўз илмига ортиқча баҳо бериш ва замонавий янги билимларни эгаллашга интилмаслик — олимни ўсишдан тўхтатиб қўядиган икки энг катта иллатдир.

* * *

Ҳамма хасисликлар ичида энг ёмони — бу устознинг хасислиги. Ҳадисларда айтилганидек, "Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғониб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади".

* * *

Баъзи олимлар: "Биз истеъдодлимиз, аммо уни кўрсатишга етарли шароит йўқ", деб нолишади. Барча зарур шарт-шароитларни яратиб берсангиз, уларда истеъдод тугул, қобилият ҳам йўқлиги маълум бўлиб қолади.

* * *

Инсон учун энг яхши лаззатлардан бири — бу унинг ўз қўли билан бажарган ишининг натижасидан роҳатланишидир.

* * *

Номдор полвон бир куни текис йўлда бехосдан қоқилди, йиқилди ва ...қайтиб турмади. У йиқилишни билмасди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

Утерянный план дома выданный БТИ Яккасарайского р-на по адресу: ул. Хумо дом-3, на имя Ахмедовой Зухры Сагатовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный план дома выданный БТИ Юнус-Абадского р-на по адресу: ул. I проезд Обида Закирова дом-6 на имя Рахимовой Фирдаус Камиловны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный план дома выданный БТИ Мирабадского р-на по адресу: ул. Фидойлар дом-8, на имя Астанкуловой Тохта **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

С возобновлением деятельности предприятия напечатанное объявление о ликвидации ООО "GOLD SPARKLING" в газете "Ташкентская неделя" от 25 февраля 2010 года **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Дочернее предприятие "NAZARBEK TRANS" Тош области Зангиатинского р-на сообщает о переименовании в ООО "NAZARBEK TRANS". Претензии пренимаются в течение 2-х месяцев по тел: 444-06-70.

* * *

Утерянную зачетную книжку №1974 выданная ТГТУ в 2008г. на имя Муродов Сайриддин Баратович **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Утерянный план дома выданный БТИ Юнус-Абадского р-на по адресу: ул. Т.Мирзаева, Бободехқон маҳалласи дом-42, на имя Арипова Джуры **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный гос.ордер №06-02 1513 на право личной собственности на квартиру по адресу: г.Ташкент, Сергилйский р-он м-в Спутник-9, дом-60, кв-6 выданный главным Управлением комунальной собственности и приватизации исполнительного аппарата Хокима г.Ташкента от 14 декабря 1992г. на имя Страхова Виктора Анатольевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный план дома по адресу: Хамзинского р-на, ул. Фарғона йўли, дом-13/23-кв2, пренадлежаюшего Якимичева Альбина Валерьевна по договору купли-продажи по реестру 1-1168 натариус Садиков Н.Б. **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91

Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз: info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50

Санъат бўлими: 236-56-48

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55

Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир ўринбосари Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6973. Буюртма Г — 348. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН